



MILLIY TIKLANISH

5 (541) ● 2019 йил 6 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Пленум

ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ, ЖОРИЙ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР

ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АСОСДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг 2018 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган 2019 йилдаги устувор вазифалари юзасидан маъруза қилди.

2-бет →

Депутатлик назорати

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини тинглаб, ечим топишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган учрашувлар ва давра суҳбатларида депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган туб ислохотлар, Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор мақсад-вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолига етказди.

3-бет →



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

“ЖИСМНИ ҚИЛ САДҚА ОНА БОШИГА...”

Бадиият оламини образ ва образлиликдан айри тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Адабиётнинг адабиётлиги образли тафаккурга боғлиқ экани бу — аксиома. Бинобарин, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам у яратган образларнинг нечоғлиқ ёрқин, қанчалик мукаммал эканлиги билан белгиланади. Ҳазрат Алишер Навоий образли тафаккурни шу қадар юксакликка олиб чиқдики, адабиётимизнинг қарийб олти асрлик тараққиёти бу борада буюк бобокалонимиз даражасига етмоқ амалда мумкин эмаслигини исботлаб келаётир. Улуғ мутафаккир асарларидаги она образининг бадиий тажассуми ҳам бу фикрни тасдиқлайди.



Ҳазрат Навоий асарларида она образи тасвирини шартли равишда икки, яъни: омма ҳаётида она образи ҳамда хослар — подшоҳлар ва авлиёлар тақдирида онанинг ўрни таснифи асосида ўрганиш мумкин. Ҳар икки турда ҳам она образи тасвири икки асосга — биринчидан, миллий руҳга, миллатимизнинг асл табиатида азалий бўлган онага эҳтиром туйғусига, иккинчидан, Қуръони карим ва ҳадиси шариф аҳкомларига таянади.

Бу турдаги талқинларда омма учун келган илоҳий амрлар ва шу мазмундаги ҳадислар асос вазифасини ўтаган. “Ҳайрат ул-аброр”дан олинган мана бу байт ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:


6-бет →

Ушбу сонда:

МILLIY ВА ХОРИЖИЙ САНЪАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ



8-бет →



МILLIY МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ

7-бет →

Сайловчилар нима дейди?

ФУҚАРОЛАР САЙЛАГАН ДЕПУТАТИДАН РОЗИМИ?

Одамларнинг кўча-кўйда баъзан “депутатлар ишлама-япти, ҳатто танимаймиз ҳам” деган гап-сўзларини эшитиб қоламиз. Тўғри, беш қўл баробар эмас, ишлаётганлари ҳам, ишламаётганлари ҳам бор. “Бирининг касри мингга уради”, деганларидек, айнан ҳамон “ухлаб ётган” халқ вакиллари бугунги талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, уйма-уй юриб ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини ошираётган, ҳар бир ўтган кунига шукроналик ҳисси уйғонишига муносиб ҳисса қўшаётган ҳамкасбларининг ёмонотлиқ бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этаётган, одамлар билан доимо мулоқотда бўлиб, муаммоларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатаётган депутатлар кам эмас. Бунга Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан сайланган халқ вакиллари амалий ишлари ҳам мисол бўла олади.

3-бет →

Бугуннинг гапи

БУГУННИНГ БОЛАСИ НИМА ЎЙНАЙДИ, НИМА ЎЙЛАЙДИ?!

...Болалик пайтимиз тенгдошларимиз телефонда “online” эмас, балки доим ўйин майдонида — ҳовлида бўлардилар.

...Кўнғироқ қилиб эмас, балки баралла “...Чишиқққ, ўйнайми-чишизз” деган ҳайқирин билан бир-биримизни ўйинга чорлардик.

...Компьютер ўйинларини эмас, халқ ўйинлари, ўзимизнинг сеvimли, қадрдон бўлган “болажон” ўйинларни ўйнардик.

Буллар — бундан 20-25 йил аввал болалиги ўтган одамларнинг ўйлари. Афсус, бугуннинг боласи келажакда бундай болалик хотиралари билан тўқинланиб сўзлай олмайди. Чунки бунга уларда имконият ва... шароит йўқ...

Қизиқ гап бўлди, тўғрими?! Ҳамма нарса муҳайё замонда ҳам шундай дея оламизми?! Минг афсуски, шундай.

Бугун кўча ёки уй, телевизор қаршида, дўконда ё ўқув даргоҳида... наикни инсон кўзи тушиши мумкин бўлган барча ҳудудни замонавий техникалар “забт этди”. Ҳатто дилбандларимиз ҳам биз катталардан ўрناк олиб телефонга муккасидан кетди. Болажонларимизнинг тили “дада-ойи”, “бобо-буви” деб эмас, “телефон”, “имо”, “интернет” деб чиқмоқда. Балки бу мулоҳазаларимиз кимларгадир кулгили эшитилар, балки шунча муаммо турганда сийқаси чиққан гапни қайта-қайта тилга олгандан нима наф дегувчилар ҳам топилар?!

5-бет →

Аччиқ, аммо очик гаплар...

“ТОШКЕНТ ПОЧТАМПТИ”НИНГ ХУРМАЧА ҚИЛИҚЛАРИ

ёхуд газета тарқатиш тизими издан чиққан(ми?)

Сўнгги кунларда матбуот нашрлари ва ижтимоий тармоқларда энг кўп ёзилган мавзулардан бири обуна масаласи бўлиб, бу кўплаб соҳа вакиллари, жумладан, журналистлар орасида ҳам турли муҳокамаларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, республика миқёсидаги аксарият газеталарнинг адади ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60-70 фоиз камайиб кетгани, маҳаллий газеталарнинг “ҳаёт-мамонт”и ҳал этилаётган айна пайтда бозор иқтисодиётининг бешафқат ҳамласидан шундоқ ҳам базўр тирикчилик қилаётган журналистларнинг боши қотган. Ахир адад камайгандан кейин ўз-ўзидан штат қисқаради, ойлик, мукофот пули, қалам ҳақи кесилади.

Ҳўш, энди нима қилиш керак? Нашр яшаб қолиши, ададини кўпайтириш учун қандай чоралар кўриш лозим?

Кимдир бу борада муассисга кўз тикаётган бўлса, яна кимдир юртимизнинг барча ҳудуди ва ташкилотда аҳоли билан кўпроқ ижодий учрашувлар ўтказиб, газетанинг тарғибот-ташвиқоти кучайтириш зарурлигини, бугунги кун талаб ва таклифидан келиб чиқиб, одамларни қийнаётган муаммо, камчиликлар, уларнинг ечими хусусида танқидий, таҳлилий, ўқишли мақолаларни кўпайтириб, нашр номини танитиш зарурлигини таъкидламоқда.

5-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" —

мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ, ЖОРИЙ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР

ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АСОСДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи, келгуси фаолиятимизнинг асосий дастуриламали бўлган муҳим ҳужжатдир, — деди партия етакчиси. — Мурожаатномада илгари сурилган қатор вазифалар — мамлакатимизни демократик ривожлантириш, Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, туризмни ривожлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга оид мақсад-вазифалар юртимиз тараққиётига, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз фаолиятини Мурожаатномада белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда тубдан кучайтиради.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўтган 2018 йилда, энг аввало, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўйбга чиқариш, электорат манфаатларини ҳимояси борасида муҳим қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ташаббусларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Пленумда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Қайд этилганидек, улар фаолияти нисбатан кучайиб, аниқ бир муаммоли масалани ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бу борада ҳукуматга таклиф, тавсиялар тақдим этиш тизими шаклланди. Хусусан, ҳисобот даврида энергетик ичимликларнинг вояга етмаганлар саломатлигига салбий таъсири, болалар қўшиқчилигини ривожлантириш, “Баркамол авлод” болалар марказларининг бугунги ҳолати, Ўзбекистонда гиламчилик музейини ташкил этиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари, “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ҳамда “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижаларига доир ўндан ортиқ

таклифлар тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўтган йилда партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда қонунлар, ҳукумат қарорлари ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш борасида Кенгаш сессиялари кун тартибига 434 ташаббус-масала киритди, — деди партия етакчиси. — Кенгашларнинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси ҳам доимий назорат қилиб келинмоқда. Ушбу йўналишда ташаббускор бўлаётган партия гуруҳларимиз билан бирга, фаолиятига суҳбатчилик билан ёндашаётган айрим депутат ва гуруҳларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Оқдарё, Пайариқ, Каттакўрғон туманларидаги ЎЗМТДП гуруҳлари шулар жумласидан.

Маърузада таъкидланишича, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар 2018 йил давомида турли мутасаддиларга 6 минг 515 депутатлик сўрови юборган. Уларнинг 4 минг 906 таси ижобий ҳал этилган, 358 депутатлик сўровига масъул ташкилот ва мутасадди шахслар томонидан жавоб берилмаган. Ушбу масалада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда муҳокама этиш учун тегишли материалларни киритиш юзасидан қарор қабул қилинди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 1 минг 36 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари йиғилишларига 737 таклиф олиб чиқилган. Бу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ортиган. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қатор қонун лойиҳаларига таклифлар беришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Халқ вакилларида келгусида бу борадаги фаолиятга янада жиддийроқ ёндашиб, жойлардаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда ҳаётини, халқчил таклифлар бериши талаб этилади, — деди пировардида партия раҳбари.

Самарали фаолият кўрсатаётган партия гуруҳлари ва депутатлар билан бирга, ваколатларидан фойдаланишда қатъиятсизлик

қилаётган вакиллар ҳам борлиги ачинарли ҳол. Бу борадаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ депутатлари Шуманай, Олот, Жомбой, Оқдарё, Чуст туман ва Урганч шаҳар Кенгашларидаги депутатлар партия ташкилотлари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўймаган. Партия ташкилотлари билан алоқасини узган, партия ҳаётида фаол иштирок этмаётган 12 нафар депутат мuddатидан олдин қақариб олинди. Зеро, суҳбатчилик билан партия фаолиятига, унинг жамиятдаги мавқеига тушов бўлаётган вакиллардан воз кечиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолияти давомида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Партия тизимида амалга оширилаётган аксарият лойиҳалар ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг истеъдодини аниқлаш ва рўйбга чиқаришга ҳамда ёшлар учун муносиб шароитларни яратишга қаратилган. Жумладан, партия “Ёшлар қаноти” ҳисобот даврида ёшларнинг муаммолари билан ишлаш, уйма-уй юриб ҳудудлар, маҳаллалар, хонадонлар кесимида йигит-қизларга амалий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратди. “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида ўтган йили республика бўйича жами 17 минг 500 хонадонга борилди ва 39 минг 800га яқин ёшлар билан суҳбат ўтказилди. Ўрганишлар давомида 10 мингга яқин ёшларнинг муаммолари рўйхатга олинди. Бунинг натижасида 1 минг 917 нафар ишсиз ёшлар ишга жойлаштирилди, 1 минг 26 нафар ёш мавжуд иш ўринларига тавсия этилди, 693 нафар ёшга бир миллиард саккиз юз миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олишига амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёшларга манзилли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида йўлга қўйилган “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида “устоз-шогирд” тамойили асосида ўз соҳасининг етук мутахассислари ёрдамида ёшларга қўшимча бепул таълим бериш, касб-хунарга йўналтириш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида ўтган йил давомида жами 826 ўқув курси ташкил қилинган бўлиб, унда 746 нафар тажрибали устозлар 4 ярим мингга яқин ёшларга қўшимча бепул таълим берди. 2017 йилда мазкур лойиҳа кўмагида таҳсил олган 30 нафар йигит-қиз олий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса, 2018 йилда улар сони 110 нафарга етди. Шу билан бирга, партия “Ёшлар қаноти”нинг “Навоий ворислари” республика кўрик-танлови, “Ёшлар — корупцияга қарши” лойиҳаси ҳамда “Кўмак” тарғибот гуруҳлари фаолияти иқтидорли ёшларни кашф этиш, йигит-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Пленумда партия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасидан келиб чиқиб, партиянинг 2019 йилдаги устувор вазифаларига тўхталиб ўтди:

— Маълумки, бу йил мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Ушбу сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўриш, уни миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ўтказиш партияимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай экан, **биринчидан**, ЎЗМТДПнинг сайловда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. **Иккинчидан**, партия ва фракция Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари, экспертларни жалб этган ҳолда “Маданият мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг янги таҳририни, “Маданият тўғрисида”ги, шунингдек, фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги, “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади. **Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга

оширади. **Тўртинчидан**, “Болалар мусиқа таълими тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқади. **Бешинчидан**, ҳудудларда ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганади, таҳлил этади ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга партиянинг таклифларини тақдим этади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Нодиржон Мухторов, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари Абдурашид Тўхтабоев, Азамат Пардаев, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Саидакбархон Акбаров, Маданият вазирлиги вакили Ёиёсиддин Ражабов, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов, Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров, Хоразм вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда кўриб чиқилган барча масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.


Пленумдан аввал оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди. Унда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуротов партия ва депутатлик бирлашмаларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида журналистларга ахборот берди.



Абдурашид ТЎХТАБОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:



Маҳмуд НАЗАРОВ,
ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:



— Бугунги Пленумда ўтган йилги фаолиятимиз сарҳисоби билан бирга, жорий йилдаги режа ва вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумки, ҳар бир сиёсий партиянинг юзи, мавқеи сайловлар жараёнида яна бир қарра яққол кўринади. Шундай экан, бу йил бўлиб ўтадиган сайловга муносиб ҳозирлик кўриш лозим. Ҳар бир депутатлик ўрнига номзодни танлашда унинг салоҳияти, билим даражасига устувор аҳамият қаратиш лозим. Бундан ташқари, партияимизнинг ушбу сиёсий жараёнга кириб борадиган сайловолди



Дастури — Платформасини шакллантиришда жойлардаги мавжуд ҳолат ва муаммоларга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Бунда, айниқса, ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки ва таклифлари муҳим. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ишлашни янада кучайтиришни тақозо этади.

Ваконатларидан самарали фойдаланишда фаоллик кўрсатаётган депутатларимиз кўп. Аммо, афсуски, фаолиятига совуққонлик билан ёндашган вакилларимиз ҳам йўқ эмас. Ана шундай халқ вакилларида 4 нафари мuddатидан олдин қақариб олинди. Бу йил депутатларимиз фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Мухтарама КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Партия ва депутат ҳамкорлигида

“УЙМА-УЙ” ЛОЙИҲАСИ

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА МУҲИМ ВОСИТАГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жомбой туман кенгаши ҳамда халқ депутатлар туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Зарифа Юсупова “Зарафшон” ва “Хашдала” маҳалла фуқаролар йиғинида “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида учрашувлар ўтказди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотларда фуқаролар ўзларини қийнаб келаётган муаммо ва масалалар бўйича мурожаат қилди ва уларга ечим изланди.

“Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, кам таъминланган оилалар рўйхатида турувчи фуқаро Гулмира Қаршиева вояга етмаган фарзанди билан ёлғиз яшаётгани, уй-жойга муҳтожлигини билдириб, амалий ёрдам сўради. Депутат Зарифа Юсупова сазй-ҳаракати билан бу муаммо жойида ўрганилиб, Жомбой туман ҳокимлигига тегишли ҳужжатлар тақдим этилди ҳамда фуқаро уй-жойга муҳтож оилалар рўйхатига киритилди.

Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Си-

тора Ҳайитбоева ҳам уй-жой муаммоси юзасидан мурожаат қилиб, депутатдан бу борада кўмак сўради. Депутат ва партия фаоллари фуқаро мурожаатини тегишли тартибда кўриб чиқди. Ўрганиш чоғида Ситора Ҳайитбоеванинг оиласидан ташқари яна беш оила — жами 16 киши битта ҳовлида кўп йилдан буён яшаб келаётгани маълум бўлди. Ушбу мурожаат юзасидан ҳам депутат туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юборди. Ҳозирда Жомбой туман ҳокимлиги ишчи гуруҳ тузиб, бу масалани атрофлича ўрганмоқда.

Ўрганишлар давомида “Хашдала” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилиб келаётган Аваз Сароев уй-жой таъмирга муҳтожлигини, уни таъмирлаш учун моддий имкони йўқлигини билдириб, амалий ёрдам сўради. Фуқаронинг оилавий шароити билан яқиндан танишган депутат Зарифа Юсупова туман ҳокимлигига мавжуд ҳолат юзасидан мурожаат этиб, ушбу фуқаронинг муаммосини ҳал этди. Туман ҳокимлиги мурожаат этувчининг яшаш шароити оғирлигини эътиборга олиб уй-жойини 2019 йилда ички имкониятлар ҳисобидан таъмирлаб берадиган бўлди.

“Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ойгул Қаршиева ва Гулнора Қаршиева депутат билан мулоқот чоғида бир неча йилдан буён ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётганидан шикоят қилиб, ушбу масалада ёрдам сўради. Туман бандликка кўмаклашиш марказига юборилган депутатлик сўрови натижасида ушбу масалага ечим топилди. Улар маҳаллада яқинда ташкил қилинган қандолатчилик цехига ишга қабул қилинди.

Маҳаллаларда ўтказилган “Уйма-уй” лойиҳаси давомида ЎЗМТДП Жомбой туман кенгаши раиси Ҳайрат Кулиев турли муаммо билан депутатга му-

рожаат қилган фуқароларга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида оилаларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга даъват этиб, бир қатор таклиф-тавсияларни ўртага ташлади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар жараёнида тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ҳайрат Кулиев. Мазкур тармоқлар янги иш ўринлари яратиш, оилаларнинг барқарор даромад манбаини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди. Бугун ҳаракат қилган, бирор тадбиркорлик билан шуғулланган борки, даромад топиб, оиласини ҳам боқмоқда. Шу боис, маҳаллаларда аҳоли билан учрашганда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги оилаларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишга аҳамият қаратмоқдамиз.

Зафар АЛЛАНОВ,
ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНДИ



« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фуқаролар таклиф билдирди

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Хусанова Учтепа туманидаги 116-умумтаълим мактабда бўлиб, Дегрез, Шофайз боғи, Нишабарик, Шафтолизор, Бекобод, Истироҳат, Зулфизар, Ўткир, Қорёғди ҳамда Жарбулоқ маҳаллалари фуқаролари билан учрашди.

— Бугунги давр депутатлардан "қуним ўтса бўлди" қабилда эмас, балки амалий сайёҳаракатлар кўрсатишни, ташаббускор бўлишни талаб қилаётганда, — деди М.Хусанова. — Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган муҳим вазифалар, хусусан, мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳаётийлигини таъминлаш, энг муҳими, одамларнинг кундалик ҳаётида йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда халқ вакиллари олдинги сафда турмоғи лозим. Юртбошимиз талаб қилаётгандек, бугунги куннинг депутати халққа яқин бўлиши, доимо эл-юртнинг ташвиш ва гами билан яшаши, катта билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида гапириб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, тумanning Зулфизар маҳалласи Тақачи кўчасида истиқомат қиладиган меҳнат фахрийси сиҳаттоҳга йўланма ололмаётгани, Бекобод маҳалласи фуқаролари эса тумандаги айрим мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги ҳақида гапирган бўлса, Хондамир кўчасида яшовчилар пенсия масаласи ҳамда ноқонуний қўрилмалар билан боғлиқ муаммолар хусусида сўзлади. Халқ вакили барча мурожаат, арз ва таклифларни қозғога тушириб, мутасаддилар билан ҳамкорликда ўрганишини ва қонун доирасида ечим топишга кўмаклашини билдирди.

Айрим таълим масканларида ўқув воситалари етишмаслиги аниқланди

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайтов Қамаш туманида бўлиб, "Майда", "Азлартепа", "Ковчин" ва "Бадахшон" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуди аҳолиси билан мулоқот қилди. Мазкур ҳудудлардаги 6, 38, 45, 47, 62, 74 ва 80-умумтаълим мактабларининг фаолияти билан яқиндан танишди. Мактаблар педагогик жамоаси ва ёшлар билан мулоқотда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, таълим соҳаси вакилларининг жамият ҳаётида тўғри ўрни, яратилаётган имконият ва педагоглар олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтилди. Шунингдек, таълим муассасалари вакиллари билан таклифлари, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур ҳудудларда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун имконият яратилмагани, мактабларда ўқувчилар сони кўпайиб бораётгани сабаб кўшимча биноларга зарурат туғилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Айрим мактабларда спорт заллари йўқлиги қайд этилиб, депутатдан бу борада амалий ёрдам сўралди.

— Ҳар бир ўқитувчи ўз фанини керакли ўқув воситалар ёрдамида ўқувчига янада тушунарли қилиб етказишга ҳаракат қилади, — дейди ЎЗМТДП Қамаш туман кенгаши раиси Абдувоҳид Холиқов. — Депутат билан учрашув чоғида тумандаги 38 ва 80-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари география фанини ўқувчиларга хариталар жамланмасисиз тушултириш мушкуллиги, бироқ ўзлари фаолият юритаётган таълим масканида уларнинг тўлиқ эмаслиги сабаб, ўқувчиларнинг бу фандан билим даражаси пасайиб кетаётганлигини билдирдилар. Шунингдек, улар халқ

вакилидан дарс соатларида фойдаланиш лозим бўлган дарс инвентарлари билан тўлиқ таъминланганда амалий ёрдам сўраб мурожаат этди. Мазкур масала юзасидан тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборилиши режалаштирилди.

Халқ вакилининг ўқитувчилар билан учрашувлари давомида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар чекка ҳудудларда қандай натижа кўрсатаётгани, бу борадаги устувор вазифалар муассасалар жамоалари билан биргаликда муҳокама этилди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

"Бозоржой" МФЙга маъмурий бино керак

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Сиддиқ Номозов Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиб, аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлди. Учрашувлар давомида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан қатор мурожаатлар келиб тушди.

Тумандаги "Бозоржой" МФЙ фаоллари маҳалланинг маъмурий биноси йўқлиги, маҳалла фаоллари 38-умумтаълим мактаби биносида ажратилган битта хонада фаолият олиб бораётганидан шикоят қилиб, маҳалла учун бино қурилишида амалий ёрдам сўради. Депутат ушбу масала юзасидан туман ҳокимига депутатлик сўрови юбориши ҳамда сўров натижаси ҳақида фуқароларни хабардор қилишини билдирди.

Халқ вакили мазкур маҳаллада яшовчи Сирожиддин Ражабов хонадонида бўлиб, томорқасида ташкил этилган истиқхонани кўздан кечирди. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, фуқаро С.Ражабов 2018 йилда Сиддиқ Номозовга мурожаат қилиб, иссиқхона ташкил этиш нияти борлиги, бунинг учун банкдан имтиёзли кредит олишда ёрдам кўрсатишини сўраган, депутат фуқаронинг таклифини қўллаб-қувватлаб, "Агробанк"нинг Оқдарё туман бўлимидан 5,5 миллион сўм имтиёзли кредит олишга кўмаклашган эди. Банк маблағидан мақсадли фойдаланиб, иссиқхона ташкил этган Сирожиддин бугун яхшигина даромад топиб, бозорга ҳам маҳсулот чиқариб, ҳам оиласини моддий таъминлаётди.

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев Пахтачи туман ҳокимлиги мажлислар залида туман аҳолиси ва ёшлар билан учрашди. Учрашувда дастлаб Президентимизнинг Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти батафсил тушултирилди.

— Президентимизнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Мурожаатномасида ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаган, — деди А.Пардаев. — Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва тавсиялари асосида барча жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгаришлар, аввало, сизу-бизнинг бахтли яшашимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади. Шу боис юртимизда кечаётган барча жараёнда фуқаролар томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида қатнашиши лозим.

Давра суҳбатида ёшлар Мурожаатнома юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан депутатга мурожаат қилиб, тегишли жавоблар олишди. Шунингдек, улар депутатдан ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудларидаги мавжуд муаммоларнинг ечимини амалий ёрдам кўрсатишини сўрадилар. Хусусан, ЎЗМТДП Пахтачи туман кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли, 40-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Ҳайрат Юсупов тумандаги маҳаллаларнинг барчасида спорт майдончаларини барпо этиш ва тажрибали спорт мураббийларини жалб қилиш таклифини билдирди. Депутат Ўзбекистон Республикаси

Президенти қабул қилган "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш учун бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратилганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Депутат Азамат Пардаев Нарпай туманида ҳам бўлиб, фуқаролар билан учрашди. Мулоқотларда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, яратилган шарт-шароит, имтиёз ва соҳадаги муаммолар борасида маълумот берилди. Хонадонма-хонадон ўрганишлар давомида аҳолидан уларни қийнаётган муаммолар, ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш борасида мурожаат бўлди. Жумладан, тумanning Тепа маҳалласида яшовчи фуқаро Бектош Жўраев оёғи сингани, даволаш учун йиллик етмаётгани, оиласининг моддий ёрдамга муҳтожлиги, яшаётган уйи таъмирталабчилигини билдириб, ёрдам сўради. Мазкур масала депутат ва мутасадди ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Бектош Жўраев шифохонага ётқизилиб, оиласига моддий ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда ҳомийлар кўмағида уйини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

"Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар қай даражада ижро этиляпти?

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Даврон Арипов Тошкент вилояти Бекобод шаҳри ва тумани аҳоли вакиллари билан учрашувлари давомида мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, сайлов округида жойлашган таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ишларга чиқариш корхоналари, ташкилот, идора ва маҳаллалардаги бугунги ҳолат билан танишди. Халқ билан мулоқот жараёнида аниқланган муаммоларнинг мутасаддилар томонидан ҳал этилганлик даражаси ҳамда бу борада тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг ижроси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари, партия гуруҳлари, депутатлар фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.

Шаҳардаги 1- ва 2-оилавий поликлиникалар ҳамда кўптармоқли марказий поликлиника, 13-умумтаълим мактаби, шаҳар "Халқ қабулхонаси", Бекобод саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда "Истиқлол", "Мустақиллик", "Сайхун" маҳалла фуқаролар йиғинларида мулоқотлар ўтказилди. Худудда янги иш ўринлари яратилиши, меҳнат ва бандлик муносабатлари, пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар тўланиши борасидаги ишлар мутасадди раҳбарлар ва фуқаролар билан суҳбат жараёнида батафсил ўрганилди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Тумандаги "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 4-қишлоқ оилавий поликлиникасида яратилган шароитлар ўрганилганда, муассаса капитал таъмирга муҳтожлиги маълум бўлди. Мазкур бино 1986 йилда қурилган бўлиб, ҳали бирон марта ҳам капитал таъмирланмаган, ичимлик суви ҳам ташиб келинади. Шунингдек, "Қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси, "Олтин водий" маҳалла фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли туман марказий поликлиникасининг "Фарҳод"

маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган филиалида яратилган шароитлар кўздан кечирилганда, бу тиббий муассасаларда ҳам бинолар капитал таъмирга муҳтожлиги маълум бўлди. 3-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси яқин атрофдаги 5 та маҳаллага хизмат қилмоқда. Суҳбат жараёнида тиббиёт ходимлари ижтимоий дорихона зарурлигини таъкидлаб, депутатдан янги бино қурилиши масаласида ёрдам сўрадилар.

Кўптармоқли туман марказий поликлиникасида бўлиб ўтган суҳбатда ҳам бинони капитал таъмирлаш, замон талабларига жавоб берадиган флюорография ускунасига эҳтиёж борлиги таъкидланди.

— Саломатлик — туман бойлик, деб бежиз айтилмаган, — дейди тиббий кўрикка келган, "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Абдужалил Нурматов. — Шу боис оиламиз аъзолари тиббий кўриқдан ўтишини доимо назорат қилиб бораман. Маҳалламизда поликлиника йўқлиги сабаб айни пайтда қўшни маҳалладаги қишлоқ оилавий поликлиникасига қатнашамиз. Ваҳоланки, "Оқтепа" МФЙда ҳозирги кунда 4 ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Депутатга айни шу масалада ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Тиббиёт бирлашмасида иссиқлик манбаи бор, лекин босим жуда паст...

Сирдарё вилояти Оқолтин саноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган учрашувда ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Кулматов ҳаётимизнинг барча соҳа ва бўғинида кечаётган ислохотлар, мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятга янгича фикрлаш муҳитини шакллантириш, ёшларга замонавий кўникмаларни эгаллаш учун яратилаётган имкониятлар хусусида гапирди. Шунингдек, депутат парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, бу борада ЎЗМТДП фракцияси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Учрашув давомида коллеж ўқувчиларининг олий таълим муассасаларида таҳсил олишдаги имтиёзлар, кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш сингари саволларига атрофлича жавоб берилди.

Депутат Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг шарт-шароитлари билан танишиб, шифохонада даволанаётган беморлар билан суҳбатлашди. Ўрганиш жараёнида шифохона ошхонаси ҳамда тиббиёт жихозлари кўздан кечирилди. Беморлар билан суҳбат давомида шифохона зарур дори-дармонлар билан таъминланган бўлса-да, аммо иссиқлик манбаи паст босим сабаб айрим палаталарни етарлича исита олмаётган, қолаверса, кадрлар билан таъминланганлик даражаси ҳам яхши эмаслиги маълум бўлди.

Сардоба тумани "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Пахтаобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биносида ташкил этилган учрашувда туман фуқаролари ўзларини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилдилар. Жумладан, туманда ташиб келтирилаётган ичимлик суви нархи, узоқ масофадан қатнаб ўқийдиган ўқувчиларга бириктирилган микроавтобус қатнови, Пахтаобод қишлоқ касб-ҳунар коллежининг спорт зали замонавий талабга жавоб бермаслиги борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Депутат мазкур масалаларни мутасадди ташкилот раҳбарлари билан атрофлича ўрганиб чиқиши ва зарур чора-тадбирлар кўришини билдирди.

Партия ташкилотлари материаллари асосида "Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза МАҲКАМОВА тайёрлади.

Сайловчилар нима дейди?

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ФУҚАРОЛАР САЙЛАГАН ДЕПУТАТИДАН РОЗИМИ?

Сайфиддин ИКРОМОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги Кохота маҳалласи фуқароси:

— Фарзандини ўқитиб, ишга жойлаш, уйли-жойли қилиш ҳар бир ота-онанинг вазифаси. Ўғлимизни Юнусобод туризм касб-ҳунар коллежида ўқитдиғи ишга жойлашимиз анча қийин бўлди. Қаерга борсак, маълумоти олий бўлмагани рўқач қилинди. Бир йил бекор юрди. Ўша пайтлари кечалари уйкум қочиб кетарди. Ёшларнинг ёмон йўлга қариб кетаётгани ҳақида гап-сўзлар тинчлик бермасди. Ахир ҳамма бало бекорчиликдан келиб чиқади-да!

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига 2-Кохота округидан сайланган депутат Суннатили Умаров билан маҳалламизда бўлган учрашувлардан бирида қатнашиб, "Қани бориб бир мурожаат қилиб кўрай, зора ишим ҳал бўлса", деган ниятда у билан гаплашдим, муддоимни тушултирдим. Қаранг, ҳеч қанча вақт ўтмай, депутат ўғлимни "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур филиалига ишга жойлаштириш чорасини кўрди. Бугун фарзандим Зухриддин филиалнинг 32-кассасида хизмат қиляпти ва шу билан бирга ўзи ишлаётган соҳа бўйича олий ўқув юртига ўқишга киришга ҳам тайергарлик кўряпти. Ўғлимнинг бандлигига кўмаклашган депутатимиздан миннатдорман.

Обиджон МУҲАММЕДОВ, Миробод туманидаги "Замина-бод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига сайланган депутат Умида Рашидова билан фуқароларнинг муаммолари, ташвишлари юзасидан маслаҳатлашиб турамиз. Яқинда депутат 1983 йилда туғилган маҳалладошимиз Раҳмон Архиповнинг соғлиги билан боғлиқ муаммосини ҳал қилиб бериб, ҳаммамизни хурсанд қилди.

Гап шундаки, Раҳмоннинг отаси вафот этган, онаси Россияда яшайди, ўзи Локомотив кўчаси 44-хонадонда опаси билан истиқомат қилади. Нимадир бўлиб, кўчада безорилар билан муштлашиб, бош миясидан жиддий жароҳат олган маҳалладошимиз шифохонада жарроҳлик операциясини ўтказди. Энди у мунтазам тиббий кўриқдан ўтиб туриши керак, аммо маълум бир муддат бемор ҳаракатланиши мумкин эмас экан. Уйда шифокорларнинг мунтазам текширувини ташкил қиламиз деб қанча югурмайлик, ҳал қилолмадик. Депутатимиз Умида Рашидовага мурожаат қилгандик, масала тезда ҳал бўлди.

Айни пайтда Раҳмонбекнинг соғлиги анча яхши, шифокорлар уйига келиб, мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиб турибди. Шунингдек, депутатнинг ҳам доимий назоратида.

Муроджон ХЎЖАЕВ, Учтепа тумани Қуйи Дархон маҳалласи фуқароси:

— Ўғлим Носир Хўжаев бир пайтлар ядро улоқтириш бўйича паралимпия уйинларида мамлакат чемпионли бўлган. Айни пайтда биринчи гуруҳ ногирони ва бир неча йилдан буён ногиронлик аравачасига муҳтож эди. Бу ҳақда мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. Ҳатто бундай ишларга масъул бўлган ташкилотлардан бири томонидан "агар аравача керак бўлса, яна олти йил кутин!" Навбатиниз 2024 йилда келади, деган жавоб ҳам берилган.

Бу ҳақда халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига 9-Назарбек округидан сайланган депутат Жамшид Қаримовга мурожаат қилгандик, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай муаммоимиз ҳал бўлди. Деputати янги йил байрами арафасида депутатимиз аравача олиб келганида қувончдан бошимиз кўкка етди. Бунинг учун депутатимизга катта раҳмат айтаман.

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ахборот хизмати

Ташаббусдан сўнг...

Ҳозирда юртимизда 7 ярим мингдан ортиқ маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. Қоровулбозор туманида жойлашган кўҳна сардобалар ҳам ана шундай обидалар сирасига қиради.

ҚОРОВУЛБОЗОРДАГИ САРДОБАЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА



Маълумки, тарихий обида ва ёдгорликлар мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш ва оширишнинг муҳим омили саналади. Бу эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, аждоқларимиз меросини кўз қорачиғидек асрашимизни тақозо этади. Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш борасидаги мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи билан биргаликда туманимиздаги мавжуд маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганди.

Туманда иккита маданий мерос объекти — Қоровулбозор ва Бўзачи сардобаси давлат муҳофазасига олинган. Узоқ тарихдан сўзловчи ушбу обида сўнгги йилларда қаровсиз ҳолга келиб, ер ва tupроқнинг шўрланиши натижасида нураб тushаётган эди. Партия гуруҳи ушбу масалани обдон ўрганганидан сўнг туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритди. Қизгин муҳокамадан кейин сессия қарори қабул қилинди. Унда сардобаларни консервациялаш, таъмирлаш, тарихи ва аҳамиятига оид буклетлар тайёрлаш ва нашр этиш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Айни пайтда сессия қарори ижроси бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш

Бош бошқармасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси "Жасур меъмор" масъулияти чекланган жамияти пудратчи ташкилоти билан биргаликда таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Тарихий обида гумбаз қисмининг кўчган, нураган жойлари таъмирланиб, айни пайтда тўққизта арканинг еттитаси тартибга келтирилди. Сардоба тубидаги катта микдордаги сув шу атрофдан ўтган захкашга оқизилмоқда. Кириш қисмидаги дарвоза тўлиқ таъмирланиб, ён-атрофи ободонлаштирилаётир.

Бизгача етиб келган маданий мерос объектилари тарихнинг инояти. Бу ноёб ва нодир ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга мерос сифатида қолдириш бугунги авлод вакиллари учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шундай экан, ҳудудлардаги турли даврга оид тарихий, маданий обидаларимизни асл ҳолича сақлашга ҳисса қўиш, хусусан, Қоровулбозор туманидаги сардобалар ҳам аждоқларимизнинг ақлу зақосидан дарак берувчи нодир иншоот сифатида келгуси авлодларимизга етказилиши муҳим вазифалардан. Қолаверса, бу масканлардан сайёҳлик мақсадларида ҳам самарали фойдаланилиши туман ва вилоят туризм ривожига, иқтисоди раванқига хизмат қилади.

Ўткир ЖУМАЕВ,
халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашидаги ЎзМТДП
гуруҳи раҳбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида таркиб топан янги анъанага мувофиқ, 2019 йилнинг 5 февраль кунини навбатдаги "Ҳукумат соати" ўтказилди.

Куйи палатадаги депутатлар бирлашмалари тақлифларига кўра, "Ҳукумат соати"да кўриб чиқиш учун "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни доирасида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни тартибга солиш тўғрисидаги масала киритилди.

Мазкур масала юзасидан депутатлар саволларига Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги С.Умурзоқов аниқ жавоб қайтарди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтларда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, юртимизда 2008-2016 йиллар давомида фақатгина 3 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармон ва қарорлари асосида кейинги қисқа вақт мобайнида уларнинг сони 21 тага етказилди. Бугунги кунда республика бўйича 10 та эркин ишлаб чиқариш зонаси, 8 та фармацевтика, 1 тадан туризм, балиқ хўжалиги ҳамда агросаноат соҳасини ривожлантириш йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда.

Вазирнинг ахборотида таъкидланганидек, эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 3660,5 миллион долларга тенг (улардан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 1544 миллион доллар) 629 та лойиҳа маъқулланган. Мазкур лойиҳаларнинг 158 таси ҳаётга татбиқ этилган, 431 таси амалга оширилмоқда, яна 40 таси эса истиқболли лойиҳадир. Хусусан, ўтган давр мобайнида маъмурий кенгашлар томонидан маъқулланган умумий қиймати 1045,5 миллион долларга тенг 158 та лойиҳа амалга оширилган ва бунинг натижасида 9746 та янги иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, фаолиятини бошлаган

корхоналар томонидан жами 4,9 триллион сўмлик ишлаб чиқариш ҳажмига эришилди ва 197 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоригир бўлган энгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхоналар томонидан жами 194 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Айни пайтда умумий қиймати 721 миллион долларлик 40 та истиқболли лойиҳа бўйича ҳудудий маъмурий кенгашлар томонидан эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси мақомини олиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 26 октябрдаги фармонида мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Уларнинг иштирокчилари бир қатор тўловлардан озод қилинди.

"Ҳукумат соати"да бу борада эришилган натижалар билан бир қаторда, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммо ва ечилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, айрим эркин иқтисодий зоналарда муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаиш ва ишлаб чиқариш инфраструктура объектларини қуриш билан боғлиқ масалалар ҳалигача охирига етказилмаган. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмагани сабабли, ушбу зоналарга инвесторларни жалб қилиш ишлари қийин кечмоқда. Эркин иқтисодий зоналарга бириктирилган тижорат банклари томонидан дирекция фаолиятига кўмаклашиш ва янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тақлиф-киритиш бўйича етарлича ташаббус кўрсатилмапти. Баъзи вилоят маъмурий кенгашлари томонидан эркин иқтисодий зоналарда лойиҳалар аниқ ҳисоб-китобларсиз жойлаштирилиши натижасида айрим фаолият турлари учун сунъий имтиёз берилишига ва бу, ўз навбатида, бозордаги рақобат муҳитининг бузилишига олиб келмоқда.

Шу боис, тадбирда депутатлар мамлакатимизда мавжуд эркин иқтисодий зоналар

ва кичик саноат, шунингдек, фармацевтика зоналарида фаолият юритаётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион, юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил қилган бизнес субъектлари ва тадбиркорларга берилаётган қўшимча имкониятлар, имтиёз ва преференцияларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масаласига вазир эътиборини қаратди. Айниқса, парламент аъзолари хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини жаҳон бизнес ҳамжамиятига тўла намойён этишга қаратилган, сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда ягона, комплекс ёндашувларни белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этдилар. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган, эркин иқтисодий зоналар фаолияти, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонунни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, уни давр руҳига уйғун ҳолда янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Глобал рақобатбардошлик рейтингига киритиш, мамлакат рақобатбардошлиги даражасини тизимли равишда ошириб бориш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

"Ҳукумат соати"да берилган савол-жавоблардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан вазирлик фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, кескин жонлантиришга, мамлакатнинг инвестициявий-жозибадорлигини янада оширишга қаратилган қатор фикр-мулоҳаза ва амалий тақлифлар билдирилди.

Тадбир якунида Қонунчилик палатаси кўмиталарига соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати

Халқаро форум

"ЎЗБЕКИСТОН — 2035" ХАЛҚАРО ФОРУМИ: ТАРАҚҚИЁТ ШАРТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 5 февраль кунини "Ўзбекистон — 2035" иккинчи халқаро форуми ўз ишини бошлади.

Мазкур форум Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасининг муҳим иқтисодий ва сиёсий йўналишларини муҳокама этишга бағишланган бўлиб, унда депутатлар, вазирлик ва идоралар, илмий-таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, "Буюк келажак" экспертлар кенгаши аъзолари қатнашмоқда.

Форумнинг илк ялпи мажлисида Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси концепцияси лойиҳасининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

— Стратегия лойиҳаси 2020-2025, 2030, 2035 йилларга мўлжалланган учта босқичда амалга оширилиши белгиланган, — дейди "Навоий" эркин иқтисодий зонаси директори, "Рикор" (Россия) технопарки бош директори Ҳабиб Абдуллаев. — Биринчи босқич стратегия ривожланиш мақсадлари учун фаол инвестициялар, яъни иқтисодий ривожланишга кучли туртки бўла оладиган инвестицияларни жалб

қилишни ўз ичига олган. Иккинчи босқичда мамлакатнинг иқтисодий ва технологик салоҳияти рўёбга чиқарилади. Сўнгги босқичда етук бозор иқтисодиётига ўтилади. Бу пайтга келиб Ўзбекистонни жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган 50 та етакчи мамлакат қаторига киритишга эришилади.

Жаҳон банки 2016 йилда эълон қилган "Doing business" рейтингига Ўзбекистон 64 поғона юқорилаб, 42-ўринни қайд этган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари жаҳондаги бошқа етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мисол учун, нуфузли "Fitch Ratings" ва "Standard & Poor's" рейтинг агентликлари биринчи марта юртимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланишига шубҳа билан қаровчи скептикларнинг ҳам фикрини ўзгартириб юборди.

Ялпи сессиядан сўнг форум иштирокчилари стратегиянинг давлат бошқарувини ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати, банк тизими, саноат, транспорт, қурилиш ва инфратузилма, туризм, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат,



инсон капитали, экология, илм-фан, технология ва инновациялар каби йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларга бўлиниб, муҳокамаларни шубҳа йиғилишларида давом эттирди.

— Ҳозирги пайтда бор куч, сармояни инсон капиталини ривожлантиришга сарфламасдан тараққиётга эришиб бўлмайди, — дейди "Буюк келажак" экспертлар кенгаши аъзоси Малика Шарипова. — Эътибор беринг, Америка Қўшма Штатларида 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган ҳар бир фуқаронинг таълим олиши учун давлат бир йилда 231 минг доллар, Жанубий Корея 130 минг доллар

сарфлайди. Шу тарзда мазкур мамлакатларда бир ишчи кучини шакллантиришга кетган харажат ўзини 13-17 қарра оқламоқда. Бизда бу кўрсаткич 19 минг долларни ташкил этиб, сармоялар ўзини бор-йўғи 4 баравар қопламоқда.

Таҳлилларга кўра, жаҳонда саноат ривожланишининг янги босқичида кўплаб иш ўринлари автоматлаштириш ва рақамли технологиялар билан боғлиқ бўлади. Ҳозир ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам ишчиларнинг атиги 25 фоизи керакли малакага эга, холос. Шу боис ҳам ривожланган мамлакатлар бор

эътиборни фуқароларининг билим олишига, малакасини доимий равишда оширишига қаратмоқда.

Келгуси 5 йил ичида жаҳонда барча меҳнат турларининг 7 фоизи автоматлаштирилиши тахмин қилинмоқда. Бу келажакда 57 фоиз ишчи-хизматчи ишсиз қолади, дегани. 2035 йилга бориб Ўзбекистонда ҳам худди шундай вазият юзага келиши эҳтимоли бор. Ҳисоб-китобларга кўра, 2035 йилгача мамлакатимизда 20,7 миллион меҳнатга лаёқатли кишини иш билан таъминлаш эҳтимоли юзага келади. Бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш учун, аввало, жисмоний шахслар, компаниялар ҳар бир кишига мос келадиган коллектив ва оқилона ечимларни топиши зарур.

Инсон капиталини ривожлантириш тизими одамларнинг ўзига ишончини ошириш учун ўзларини қайтадан кашф этишга имкон берадиган ва кучайтирадиган платформаларни яратиш демакдир. Шундай экан, тизимда янгича ўйлаш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни кўра билиш, инсон қобилиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ва моделларни ишлаб чиқиш ва янги ғоялар талаб этилади.

Форумнинг экология, илм-фан, технология ва инновация масалала-

рига бағишланган шубҳа мажлисида Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси концепцияси лойиҳасининг атроф-муҳитга бағишланган тавсия ва тақлифлари қизгин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда яқин йилларда аҳоли, иқтисодиётнинг ўсиши ва иқлим ўзгариши асосий табиий ресурсларга бўлган босимни оширади. Жумладан, сув, озиқ-овқат, экин майдонлари ва энергияга бўлган талаб ошиб боради. Шундай экан, қўйлаётган вазиятда Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қандай мослашиши керак?

"Буюк келажак" экспертлар кенгаши аъзоси, Кембриж университети (Буюк Британия) лабораторияси менежери Темура Юнусовнинг қайд этишича, иссиқхона газларининг ортиши, ўртача йиллик ҳарорат кўтарилиши, шунингдек, унумдор tupроқларда қўлланиш жараёналари ва бошқа иқлим ўзгаришлари Ўзбекистон олдида, аввало, кишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ўзгартириш талабини қўяди.

"Ўзбекистон — 2035" иккинчи халқаро форуми очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов сўзга чиқди.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
Ўза мухбири

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Аммо тақрор-тақрор бўлса-да, глобаллашув замонида бу муаммога жиддий эътибор қаратмасак, барча бирдек курашмаса — кейинчалик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин (аслида ҳозир ҳам салбий натижалари талайгина).

Эсимда, 7-8 ёшларимизда сеvimли ўйинларимиз бор эди: "Оқ теракии, кўк тераки", "Бекимчак", "Беш тош", "Ўрда турак", "Чиллак", "Жами"... Бу ўйинлар барчамизни бирдек завқлантирарди. Ютсак — қувончи, ютқазсак — араз қилиб юраверардик. Муҳими, барча воқеа кўз ўнгимизда реал рўй берарди. Индаллосини айтганда, ўйин палласида "қўзимиз билан кўриб, қўлимиз билан ушлаб" ўйнардик. Ҳатто ўсимир пайтимиз ҳам бу ўйинлар овунчоғимиз бўлгани рост.

Хўш, энди-чи? Бугунги болалар бундай завқни туя олапти, деб айта оламизми? Йўқ, айтолмаймиз. Чунки болажонлар реза-воқелидан виртуал олам асирга айлан-ганига анча бўлди. Биз катталар ўзимиз бунга имкон ва шароит яратдик, ўзимиз болаларимизни асрга айлантирдик. Улар компьютер ўйинларига муккасдан кетди. Воқелик билан реал муҳитнинг фарқи бўлмай қолди, гўе. Оқибати эса кишини жиддий ўйга толдирадиган даражага келди. Биз катталар кичкинтойларимиз тинчгина бир жойда, қўз олдимизда ўйнаб ўтирса бўлди, деган баҳона билан ўзимиз уларга телефон, планшет, компютер тутқаздик... Оқибат эса қўриб, эшитиб турганимиздек...

...Ён кўшнимиз фарзандидан нолиб қолди. Эмишки, боласи компьютер уйинларини кўп ўйнарган. Аммо онаси тушагурнинг ўзи ҳам кун буйи "online". Шундай бўлгандан кейин боладан нимани кўтиш мумкин? Кўш уясида кўрганани қилади-да.

Ота-она фарзандни қай томон бошласа,
фарзанд ҳам беихтиёр катталар ортидан



эргашади. Шундай экан, фарзанд тарбиясида бошбошдоқлик, масъулиятсизлик, бефарқликка йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, бу ўринда нафақат ўсиб келаётган бир инсон, балки том маънода бутун бир миллат тақдири турганини унутмаслигимиз керак.

Албатта, қўшним каби оналар талай. Асли-да ўйлаб кўрилса катталарнинг ўзи миллий ўйинларни фарзандларига ўргатиб бориши керак эмасми?! Йўқ, бугунги “замонавий” ота-оналар бундай “эскилик сарқити” билан келишолмайдилар.

— Миллий ўйинлар ҳар бир болани, шахсни ақлан расо ва соғлом бўлишга ундайдиган, кўтаринки руҳ ҳамда кайфият улашувчи, мардликка, эгчилликка, қаққонликка, қолаверса, эзуликка чорловчи тарбия воситасидир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қوشидagi 2-сонли академик лицей ўқитувчиси Феруза Жуманиёзова.

— Мухими, бу ўйинлар тор ва диққинафас ҳонада эмас, табиат қўйидага ўтказилди. Шу орқали ўқувчиларда табиатга муҳаббат, жониворларга раҳм-шафқат туйғулари тарбияланади, қолаверса, ўзлари ҳам тоза ҳаводан тўйиб нафас олади.

Бизгача етиб келган халқ миллий ўйин-лари ҳақида бир нечта олимۇ мутафаккирларимиз қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий "Девону луғотит турк" асарида халқ ўйинларининг бир юз элликка яқинини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради. "Авесто"да ҳам бир қанча олов ўйинлари ҳақида маълумот берилган. Фирдавсийнинг "Шохнома", Амир

Темурнинг "Темур тузуклари" Кайковуснинг "Қобуснома" асарларида ҳам миллий ўйинлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Аждодларимизнинг донишмандлигини қарангки, ҳар бир ўйин мағзи халқ оҳанглари, миллийлик, меҳр-оқибат, жасорат, мардлик, ватанпарварлик, фидойилик ва инсонийлик каби тўғуллар билан бойитилган. Таълим ва тарбиянинг бундай уйғунлиги эса етук инсонни тарбиялаш учун дастуриламал вазифасини ўтаган. Бироқ бу “вазифа”лар бугун ўз исботини топмапти. Ота-оналар кичикиниёнинг жажжи бармоқлари билан худди катталардек смартфонни бошқаришини қўриб меҳрлари товланмоқда. Ўзлари бош бўлиб, обдон смартфон “сир-асорини” ўргатишяпти. Ва албатта, бу холдан ўзларини айрича ҳис қилиб, ғурурлантаганлар ҳам бор...


— Кичиктининг “экранли ҳаёти” — бу сезиш спектрининг кичик қўз билан кўриладиган қисми бўлиб, боланинг беҳаракат вақти ўтказиши ҳисобланади. — дейди психолог Дурдона Раҳмонова. — Бола планшет билан ўтиришга ўрганмасдан, баркамол ривожланиши учун у билан кўпроқ шуғулланиш керак. Оқиб ҳавода ўйналадиган ва билим берадиган ўйинларни ота-оналарнинг ўзлари билга ўйнашлари талаб этилади. Энг муҳими, китоблар ўқиб бериш, биргаликда расм чизиш, ҳар хил ўйинчоқлар аясда, сайр қилиш, тўғри танлов экани айтиб ҳақиқат.

Дарҳақиқат, барча соҳада интеграциялашувнинг кучайиши вайронкор оғоялар тарғиботини янада оsonлаштирмоқда. Илгари бирор гоҳни бошқаларга синдириш учун миллионлаб маблаг сарфланган бўлса, бу ҳунарни истеъмолчиларнинг ўзи сотиб олмақда. Яъни «қора кути» (компьютер, телефон, планшет)га ҳа бўлган биргина уйинларнинг ўзи қанча маънавий зарар етказмоқда.

оммавий маданиятни тарғиб қилмоқда.

Виртуал ўйинлар келтириб чиқараётган иллатлар ёшларни ҳалокатга гирифтор этгаётгани ва нобуд қилаётгани барчамизга аён ҳақиқат. Хатто дунё тиббиёти уюшмаси видеоўйинларга берилиб кетишни расмақлиш заифлик касаликларини қаторига киришти арасида турибди. Шифокорларнинг фикрича, бу касаллик кунига икки соатдан ортиқ ўйин ўйнайдиган ҳар қандай киши саломатлигига ҳаф солади. Бу Интернетдан қўнғилхушлик излайдиганларга ҳам тегишли, албатта. Компьютер ўйинларининг керагидан ортиқ машҳур бўлиб, оммалашиб кетгани ва ёшларга салбий таъсири бутун дунё тиббиётчиларини кўндан бери тавишга солиб келаётган муаммолардан биридир. Жуда кўп минтақалар, жумладан, Европа мамлакатларида Интернетга куллик хасталигини доволайдиган махсус шифохоналар қўпаймоқда. Саросима, тушкунлик, хавотир, фарзандларнинг Интернет билан машғуллиги сабабли ёш оилалардаги келишмовчиликлар, фарзандларнинг оиланинг бошқа аъзолари билан алоқалари беқарорлашуви ушбу муаммонинг асосий аломатлари сифатида кўрсатилаётир.

...Бундан икки-үч йил муқаддам Жанубий
Кореяда 15 ёшли ўспирин йигит ҳаётдан қўз
юмди. Маълум бўлишича, у уч кун давомида
ўйинхонадан чиқмаган экан. Фақат ҳожа то
нага чиқиб ва ҳожада озгина мизгиб олиш
у-чун столдан нари кетган, холос. Тахшисига
қўра, юрак хуружи қаттиқ чарчқ ҳолати
ҳаддан ортиқ қўзилиб кетиши сабаб юзага



келган эди. Албатта, бу каби ҳолатлар ягона эмас. Аммо...

Жуда кўп ўйинлар одамларни, ҳайвонларни шафқатсизларча ўлдириш, қон тўкиш саҳналарни асосига қурилган. Бундай аянчли лавҳалар нафақат ёшларнинг, ҳатто ёши катталарнинг онига ҳам жуда кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. "War craft", "Counter strike", "Call of duty", "Mortal combat" сингари ўйинларга муккасидан кетганларнинг айримлари ҳақиқий қотилларга айланган бўлса ҳам ажаб эмас.

Оммавий ахборот воситалари, ихтимой тармоқлар, сайтлар орқали тез-тез эшитиб қоламиз: Фарб мамлакатларида мактаб ўқувчилари, ўсмир йигит-қизлар ўз ота-оналари, ўқитувчилари, тенгдошлари ўлимига сабаб бўлаётир. Бундай дахшатли воқеалар таъсири, албатта, виртуал олам асирига айланган бизнинг фарзандларимиз, ёшларимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Кунда-кунора қўлоғимизга чалинаётган гоҳ ўсмир йигитнинг ўз ота-онаси ёки жигарини ўлдиргани, вояга етмаган қизларнинг жиноят қўчасига кириши, мактаб ўқувчиларининг гуруҳ бўлиб қотилиш, ўриликлар қилаётгани виртуал олам бераётган тарбиянинг зил захарли меvasи экани ачирган ҳақиқатдир.

— Зўравонлик, тажовузкорлик ва қотилликлар билан боғлиқ компьютер ўйинлари бола-ларга жуда ёмон таъсир қилади, — дейди пойтахтимизда истиқомат қилувчи уй бекаси Ирода Қўчқорова. — Жанг жадаллар, номаълум учар жисмлар ёки ёвуз кучларга қар-ши урушишга асосланган ўйинларнинг "ичига кириб кетган" болалигини асаби таранг ҳолатдан бўлади. Бунни мен ўз фарзандларим мисолидан кўрдим. Икки ўғлим кетма-кет туғилган. Худди эгизаклардек улгайишди. Салгина назоратини бўлиб қўйган эканман, компьютер ўйинларига муккасидан кетишибди. Ҳатто дарс машгу-лотларига ҳам бормаи Интернет-кафелардан вақтини ўтказган пайтлар бўлган. Албатта, биз бундан кечроқ хабар топдик. Аммо ўз вақтида фарзандларимизни бу "тилсиз ёв" қангалидан омон кўтқаролдик...

Дарҳақиқат, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бунгун кунда болаларимизнинг онгони фақат ўраб-чирмаб уни ўқима, бунӣ кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабиға ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизға ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Қалаверса, фарзандларимизни замонавий таъриқийётдан орқада қолдиришға ҳаққимиз йўқ.

Миллат равнақи йўлида тўсқинлик қилаётган бу каби сунъий қарамликка барҳам беришга эътибор қаратиш, керак бўлса барчани бир тану бир жон бўлиб оммавий тўғри тарбия йўлида қақириққа чорлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби салбий ҳолатлар, киши кўнглини хавотирга соладиган вазиятлар юзгага келмаслиги учун, албатта, фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-она жиддий ўйлаб-кўриш лозим. Қачонки ўз болалиги, "Оқ теракми, қўқ терак", "Қувлашмачоқ", "Чиллақ" каби жавқли ўйинлар ўйнаган, ўсимир чоғида Интернетга ботла бўлмай, кундалик дафтарлар, анкеталар тутган пайтидаги ҳис-ҳаяжон самимиийлик, табиий топшиги унутмаган бўлса, албатта, бунга ечим йопишга ҳали кеч эмас. Қолаверса, неча минг йиллик тарихимиз, аждодлардан мерос қолган тарбия усулимиз бунда дастуриламал бўлиши, шубҳасиз. Фақат ишонч ва ҳурмат билан "ортга" эътибор қаратсак кифоя.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

/// Аччиқ, аммо очиқ гаплар...

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хуллас, энди муассисс буйруги еки "коррупцион" йулар билан (айрим тармок шаклларини хисобга олмаганда, албатта) мажбурий обунани ташкил қилиб, тушган пулни йил давомида сарфлаш даври ўтди. Газеталар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити юзага келмокда. Унга бардоши етган айтилди, эндиан эса... Гапнинг индальосини аяганда, эмас! "осон эмак бу майдон ичра турмок",

Бироқ, бевосита обуна билан боғлиқ яна бир бошоғриқ борки, уни даволамасдан ту-

ёхуд газета тарқатиш тизими издан чиққан(ми?)

риб, оёққа туриб кетиш мушкул. Бу матбуот нашрларининг обуначилар қўлига вақтида етиб боришини таъминлаш масаласидир.

Матбуот тарқатиш билан шуғullanувчи ташкилотлар нашрларни оубунчларга қўйгани кечикчи ёки умуман етказиб бермаётгани борасидagi кужар-кужсонлар доимо танқид қилиб келинмоқда. Тармоқда рақобат муҳитини бозор талаблари асосида ташкил этиш мақсидида хужусий тарқатувчиларга ҳам рух-сат берилди. Тизимни яхшилаш мақсидида қарорлар, дастурлар қабул қилинди, тегишли чоралар қўрилди. Аммо вақтли нашрларнинг егалари етказиш борасида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ: эски ҳаммом, эски тос

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашида матбуот ишига масъул бўлганим боис Тошкент шаҳрида "Миллий тикланиш" газетасини обуна билан шуғулланиш зиммага тушди. Мажбурий обунага қарши "кампани-ябозлик" бошланган бир пайтда бировага "газетага обуна бўл", деб айтишнинг ўзи қатта "жиноят" эди. 2019 йилда Олий Мах-лос Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиши инобатга олинса, партиянинг энг асосий тарғибот курали ҳисобланган газетани кенг оммага етказиш муҳим масала саналди. Қолаверса, партия ходимлари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ўз газетасини ўқимастан у орқали Марказий кенгаш, умуман, партия фаолиятидан хабардор бўлиб турмаса...

Депутатлар, партиядошларга бугунги ва эртанги кундаги вазиятни ётиги билан тушуни- тириб, обунда фоллиқ кўрсатишга қақир- дим. Кимдир тушуниб, обуна бўлди. Кимдир газетата ўтган йили хусусий обуна ташкило- томонидан ёзилгани, аммо йил якуналаган- ганига қарамай, бирорта сонини олмаганини айтиб, рад этди. Почта хизмати барибир "қову- нуштириши"га кўзим етса-де: "Хабарим бор- шунигир учун 20ўйида обунани почта орқали қилаямиз, газета қўлгизага етиб боришига қафолат берамиз, ўзим доимо назорат қилиб- бораман" дея ишонтиришга ҳаракат қилдим. "Пунки бундай ҳолатлар шахсан ўзимда бир- неча бор тақорланган. Қайсидир йилли ҳе- чким мажбурламаган бўлса-да, почтага бориб- фарзандларим учун "Тонг юлдузи"га обуна бўлиш мақсадида ёзилган эдим. Январ ойи ўтди ҳамки, газетадан дарак бўлмади. Почтага кўнжирок қилдим, феврал ойидан кела бошла- ди. Учунчи ойдан эса 2-3 тасини бир қилиб ташлаб кетадиган бўлишди. Олти ой ўтиб эса газета умуман келмай қўйди. Яна почта билан боғландим, бир дунё баҳоналар билан ўзлари- ни оқладди. Хуллас, йил давомида газетанинг 52 сонидан 38 тасини олдик, холос..

2019 йил ҳам бошланди. Январнинг биринчи ўн кунни яқунланди. Ишхонага чоршанба (газета шу кунни чоп этилади) кунни туша ақин "Миллий тикланиш" газетасининг 1-сонини ташлаб кетишди. Уйимга эса шанба кунни етиб борди. Душанба кунни ваъдага вафо қилиб, бошқа ҳамкасбларимдан газетани етказилганми, йўқми суриштирдим. Ўн нафардан олти кишига кечикиб бўлса-да газетани етказилган, қолган тўрт киши эса "Қўрдингми, барибир келмайди дедик-ку!" дегандек бош чайқайди. Сабр қилиб навбатдаги чоршанба кунини кутдим. Ўша кунни ишхонага 2-сонини ҳам ташлаб кетишди. Эртаси кунни яна бошқалардан суриштирдим, худди аввалги ҳолат.

Жума куни тушдан кейин "Тошкент почтампти"ни безовта қилишга мажбур бўлдим. Ўзимни таништириб, обуна билан боғлиқ тартиб-қоидаларни сўраб-суриштирдим. Улар бугунги кунда барча газета эгаларига вақтида etkazилаётгани ва бу кафолатланганини таъкидлашди.

Газета етказиб бермаган почта бўли-
ларига бирма-бир кўнғирок қилиб чиқдим.
Кимдир почтачи касал бўлганини, кимдир
газета ҳали марказдан келмаганини, яна
кимдир адашиб бошқа манзилга етказганини
айтди. Айримлари "Кейинроқ кўнғирок қи-
линг, хозир иш билан бандман, газета керак
бўлса кутинг, шанба куни боради!" деб кўпол-
муомала қилиб, алоқани узиб ҳам қўйди.



бузилиб, бошимга оғриқ кирган эди). Нима учун айрим ишларимиз кўнрақ қилганимиздан кейин еки матбуот танқидидан сўн-
ҳал бўляпти? Нега ташкилотлар вазифасини
вақтида бажармай, одамларни ҳамон норо-
зи қилляпти? Президентимиз раҳбарларни
эскича ишладан воз кечиб, уйғонишини
қайта-қайта талаб қилаётган бўлса-да, почта
хизмати ўхшаган айрим ташкилотлар ҳали
кам мудабб ўтирибди, назаримда.

“Кўнгирак қилмаганимизда, газета буюртмачига йил давомида ҳам етказилмаслигини мумкин эди”, деган эътирозимизга ўзини таништиришни истамаган почта масъули “Агар обуначи бу ҳақда вақтида хабар бериб турган кечикчи бўлса-да, албатта, барча сонини етказамиз” деб айбни буюртмачига агарди-қўйди. Демак, бундан кўриниб-турибдики, почтада нашрларни эгасига етказилган-етказилмаганини умуман мониторинг қилинмайди. Манзилни тополмай, почталарда тўпланиб ётган тахлам тахлам газета-журналларнинг тақдири энди улар учун қизиқ эмас (бир йилдан кейин барибир макултурага топширилади). Чунки оқин-пуллари аллақачон “Тошкент почтачиги”нинг “Чўнтағига” тушиб бўлган. Қолаверса, бир ой олдин чоп этилган газетани буюртмачига етказишнинг энди нима қизиғи бор?!” Хозир ахборот асрида яшамлиқ. Шу топдаюз берган воқеанинг орадан бир соат ўтиб-ўтмай одамлар учун қизиғи қолмайти, эскиряпти. Матбуотнинг энг асосий вазифаси эса ўқувчиларга ахборотларни тез ва ҳолис етказишдир.

Сўйгсўз ўрнида: Шу кун и бизга почта хизмати мутасаддиларидан бири кўнгирун қилиб, бу ҳақда мақола ёзмаслиғимизни сўради. Кўпöllли қилган ҳамкасблари учун ҳам узр сўраб, газетани вақтида етказиш ваъда берди. Рози бўлдим. Аммо орадан бир ҳафта ўтиб, обуна бўлган бошқа партиядошларимиздан ҳам сўраб-суриштирсак, газетанинг 3-сон чоп этилган бўлса-да, ҳали бирортаси уз вақтида етиб бормаганини маълум қилишди. Почтага яна кўнгирун қилишга мажбур бўлдим ва шу куннинг ўзиде, уларга ҳам етказиб берилди. Улар "манга кечикиб бўлса-да етказиб бердик-ку", дегўзини яна оқлаши мумкин. Аммо бешиқдаки бол илғамласа, оч қолади деганларидек қачончага уларни "туртиб" туриш керак?

Бугун чиққан газета бир ҳафта, бязидан бир ойдан кейин обуначига етиб боса кулгули эмасми? Бу биргина "Миллий тикланиш" газетасини етказиш билан боғлиқ бўлган воқеалар. Демак, бошқа нашрларнинг аҳоли ҳам бундан мустасно эмас. Ҳамминанг диққат-қарамида бўлган пойтахтда вазият шундай бўлса, вилоятлар, қишлоқлардаги ҳолати ҳатто тасаввур қилаверинг. Почта зина матлари ҳам газеталарнинг оёига "болта" урмай, аксинча, обуна мавсумида тарғибот-ташвиқот ишларига ёрдам беришчи ҳонадонларга вақтли матбуот нашрларини бормаслиги маънавийлигимизга катта зарар етказишини англаб етиши керак эмасми? Ахир ҳисоланулло айтганда, улар ҳам обуначилар хисобидан кўн қўриши ёлғон эмас-ку!?

Матбуот тарқатиш тизимидаги бундай муаммолар "обуна бўлдинг нима-ю, бўлмадинг нима — фарқи йўқ, барибир газета етиб бормайди ёки ҳаддан ташқари кечикади" деган қарашларни шакллантиришга "улқар ҳисса" қўшгани алам қилади, холос. Афсуски шундай.

Равшан МАҲМУДОВ
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

“ЖИЕЛЖИ ЖИЛ САДҚА ОҶА БОШИҒА...”



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.**

“Макрумат” сўзи луғатда “қадр, қадр-қиммат, кўрсатилган хизмат, мақтовга лойиқ аъмол”, дея изоҳланган. Ота-она қадрини баланд тутиш, уларга муносиб даражада хизмат қилиш — ҳар бир инсон учун фарзи айн. Қуръони каримнинг аксар оятларида “Аллоҳ таолога ибодат қилинг” деган амрдан сўнг “Ва бил-волидаини ихсано” (“Ота-онангизга яхшилик қилинг”) тарзидаги ҳукм келиши ҳам бунинг исботидир. Буюк шоирнинг таъбири билан айтганда, “адам саҳро-сидин вужуд айвониға келмок” саодати оналар туфайлидир. Шу боис буюк мутафаккир “Хайрат ул-аброр” достонидида ота учун бошни фидо, она учун жисми садқа қилмок бурч эканини уқтиради. Навоийнинг:

**Икки жаҳонингга тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо**

деган сўзларини “Аллоҳнинг розилиги — ота-онанинг розилигидадир” мазмунидидаги ҳадиси шариф мазмунининг бадий талқини, дейиш мумкин. Фарзанднинг тунни ҳам, кунни ҳам нурафшон бўлмоғи учун улардан бири ой бўлса, иккинчиси — қуёш. Шу боис улар сўзидан ташқари қалам чекмаслик, хатларидан — йўл-йўриқларидан ташқари қадам қўймаслик шарт ва зарурдир. Уларга қилинажак барча хизмат адаб доирасида, ҳатто қоматни “дол” каби эғиб адо этилмоғи керак.

Ҳазрат Навоий лирик шеърларида ҳам онага эҳтиром кўрсатиш бурч экани, фалак оламни ёритгани каби она инсон ҳаётига нур бағишлаши, шахс камолотида бекиёс ўрин тутиши теран мазмун ва гўзал бадий шакл уйғунлигида ёритилади. Улуғ шоир эътиқодича, она — Ҳақ таоло наздидаги энг мумтоз ва мўътабар сиймо. “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 307-ғазалда ота-она ой ва кунга қиёсланади. Байтдаги “самин” сўзи — қимматбаҳо дур маъносидида. Ижодкор наздида, агар фарзанд гавҳар бўлса, ота ва она бами-соли уларни бағрида тарбият қилувчи икки садафдир:

**Ой, кун ота бирла она, фарзанд
сен бўлсанг не тонг —
Ким, сен саминдурсен, валеқ ул
икки андоққим садаф.**

“Бадоеъ ул-васат” даги 12-қитъага “Ўғулға она ҳаққи отадин кўпроқ экани бобидиҳи, дурға дарё тарбияти булутдин ортуғроқ-дур”, дея сарлавҳа қўйилган. Ана шу сарлавҳанинг ўзидаёқ ҳаёт ҳақиқатининг теран мантиғи баробарида барча ҳам бирдай илғайвермайдиган фасоҳат ва балогат ифодаси кузатилади. Чиндан, ҳазрат Навоийнинг тафаккур ва тахайюл қуввати шу қадар юксакки, она васфидида ҳеч бир ижодкорнинг ҳаёлига келиши мумкин бўлмаган нукталарни топади, уларга тутилимаган бадий либос кийдиради, ҳайратланарли поэтик хулосалар чиқаради:

**Она ўрнин ота тутмас ўғулға —
Ки, мумкиндур ўғул бўлмоқ отасиз.**

**Масиҳо бирла Маръямдин қиёс эт —
Ки, имкон йўқтурур бўлмоқ онасиз.**

Қитъада инсоният тарихидаги яқкаю ягона истисно — Аллоҳ таоло иродаси билан Биби Марямнинг ҳазрат Исо алай-ҳиссаломни отасиз дунёга келтиргани

мисолида ноёб бадий хулоса чиқарилади: ўғилда онанинг ҳақи отага нисбатан ортиқроқ, Исо Масиҳ ва Биби Марям қисмати бунга қиёски, агар Ҳақ таоло ирода этса, ўғил отасиз ҳам туғилиши мумкин, лекин онасиз дунёга келиши мумкин эмас.

“Ҳазойин ул-маоний”нинг учинчи девони — “Бадоеъ ул-васат”даги 14-қитъа “Яхши хотунлар сафои рўзғори қуёш нурига мисолдур ва шамснинг муаннас экани мунга дол” сарлавҳаси остида берилган:

**Яхши хотунлар сафои рўзғоридин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош,**

**Йўқ ажаб, чунким араб алфозиди
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.**

“Яхши хотунлар” деганда шоир Ҳаққа етишган поктийнат оналаримизни назарда тутгани аён. Улар сафо-ю зуҳди (поклиги-ю тақвоси)дан оламга ёруғлик таралиши чиндан ажабланарли эмас. Замонамизнинг улуғ шоири Абдулла Орипов: “Мен Навоийдан масалаининг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таъқчадай ўйнатишни ўргандим”, дея эътироф этган эди. Сўз ҳазрат Навоийга сўзсиз бўйсунди, у истаган йўриққа юради. Шунинг учун ҳам у “сўз мулкининг соҳибқирони”. Юқоридаги фикрини шоир араб алфозидида қуёш (“шамс”)нинг аёл жинсига кириши билан далиллайдики, сўзларнинг бу қадар ўзаро уйғунлиги, ҳам ҳаётий, ҳам бадий мантиққа қатъий бўйсунishi ўқувчини ҳайратлантирмай қўймайди.

Ҳазрат Навоийнинг бу турга доир талқинларида она образи чин маънода поэтик юксакликка кўтарилади. Теран руҳий таҳлил, бадий мукаммаллик, туйғу софлиги-ю изҳор ростлиги, образ тасвирининг ёрқинлиги ва таъсирчанлиги ушбу турдаги талқинлар асосини ташкил этади. Жумладан, “Садди Искандарий”да жаҳоннинг катта қисмини забт этган Искандарнинг ҳаёти сўнгиди-ги руҳий ҳолати — андуху пушаймони, дарду изтироблари онасига ёзган васияти билан боғлиқ ҳолда юксак бадийят билан тасвирланади. Мана, васиятда жаҳонгирнинг аҳволи руҳияти қандай ифодаланган:

**Бошимға тушуб ҳарза андешае,
Дедим олам очмоқ эрур пешае.**

**Не қилғон ҳаёлим бори хом эмиш,
Ҳавас жоми кўнглумга ошом эмиш.**

**Керак эрди, то кирди мағзимға
хуш,
Хирад токи солди димоғимға жўш.**

**Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди куллук санга.**

**Санга айлабон хоки даргоҳлик,
Анинг отин айтсам эди шоҳлик**

Жаҳонгир Искандар андух ўтида қоврилади. Хаёллари бари хом, ҳавас жоми кўнглига ошом эканидан афсус чекади. Онага чин ўғиллик, унинг олдидаги қуллик подшоҳликдан афзал, чинакам шоҳлик — онага хоки даргоҳлик, деган аччиқ ва ҳаққоний хулосага келади. Аслида, бу ўринда Искандар тимсолида ҳазрат Навоийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари ифодаланган. Таъкидлаш

керакки, Искандарнинг тазарруси унинг гуноҳлар ботқоғига ботганидан эмас, илоҳий маърифатга ошнолигидан келиб чиққан. Искандар васиятномасидаги мана бу сўзлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

**Керак ҳар не оллимға ёзди қазо,
Санга ҳам аён бўлса мендек ризо.**

**Кўнгул мендин узмак ишин
чоғласанг,
Чу уздунг, ани Тенгрига боғласанг**

Навоий талқинидаги Искандар — авлиё ва набий. Унинг барча ҳаракатлари, туйғулари, маънавий-руҳий олами, дунёқараши Қуръони каримнинг “Қаҳф” сурасида тасвирланган Зулқарнайн билан ҳар жиҳатдан уйғун. Искандарнинг онаси олдидаги, алалоқибат Аллоҳ таоло ҳузуридаги надомати — анланган ва нафсдан покланиш йўлидаги надомат. Зеро, орифлар мен покман, гуноҳсизман, демайди. Осийман, бадкирдорман, гуноҳлардан юзи қароман, дейди. Нафсини маломат қилиш орқали қалбини поклайди, Ҳақ ризосига эришади.

Достонда Искандарнинг онаси комил инсон тимсоли сифатида намоён бўлади. Уни ҳазрат Навоий “Бонуий ифбатпаноҳ” дея таърифлайди. Ўғлининг таъзиясига келган етти ҳаким — Афлотун, Сукрот, Балинос, Букрот, Хурмус, Фарфунос ва Арасту билан мулоқоти унинг сийратидида сабр, ризо каби камолот мақомлари мужассам эканини кўрсатади.

Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида улуғ авлиёуллоҳлар мақомотларини тасвирлар экан, улар қисматида онанинг тутган ўрни, уларнинг онага бўлган эҳтироми масаласига алоҳида диққат қаратади. Жумладан, асарда ёзилишича, Исмоил Даббос деган киши ҳаж ниятида йўлга отланади. Шерозга етганда бир масжидада Шайх Мўминни хирқа ямаб ўтирган ҳолда учратади. Салом беради. Шайх Мўмин сўрайди: “Не ниятинг бор?” Жавоб беради: “Ҳаж сафарига чиқдим”. Яна савол беради: “Онанг борми?” Жавоб: “Бор!” Айтади: “Ортга қайт, онангнинг хизмати қил”. Бу сўз унга хуш келмайди. Шайх айтади: “Нега тўлганасен? Мен бош яланг, оёқ яланг, пулсиз, ҳамроҳсиз минг машаққатлар билан эллик марта ҳаж қилганман. Барчасининг савобини сенга бераман. Сен онанг кўнглининг шодлигини менга бер!”

Онанинг кўнгли шодлиги барча нарсадан, ҳатто бир эмас, эллик марта бажарилган бўлса-да, Байтуллоҳ зиёратидан ҳам ортиқ экани ифодаланган бу ҳикоятда.

“Насойим ул-муҳаббат”дан, шунингдек, онасига берган вазъаси учун қароқчиларга устидаги тўни қатига тикилган олтинлар ҳақида рост гапирган ва бунинг эвазига бутун бошли қароқчилар тўдасининг тавбага келишига сабаб бўлган Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий, ҳол воситасида онаси дўзахда қуяётганидан воқиф бўлган боланинг изтироб оловида қоврилишини кўрган Шайх Абууррабиъ етмиш минг марта тақдирлаган “Ла илаҳо иллаллоҳ” зикрини бағишлагани боис онанинг дўзах ўтидан халос бўлиши, валий шу мазмундаги ҳадис моҳиятини кашф этиши, Паҳлавон Маҳмуд Паккаёр ўзи билан кураш тушиши тайинланган ҳиндистонлик полвоннинг онаси муборак қабр зиёратида ўғлига зафар тилаб қилган муножотига тасодифан гувоҳ бўлган, она илтижосининг ҳурмати учун рақибига атай йиқилиб бериб, ҳимматининг нечоғлик баланд эканини намоён этиши сингари ибратли воқеалар талқинлари ҳам ўрин олган.


Мухтасар айтганда, ҳазрат Алишер Навоий мўътабар сиймо — она образи васфиди бетақдор бадийят намуналарини яратди. Уларни бир мақола доирасида муфассал таҳлил ва тадқиқ қилиш имконсиз. Бу борадаги изланишларни муттасил давом эттириш адабиётшунослигимиз, навоийшунослиримиз олдидаги долзарб вазифалардандир.

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

Премьера

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига асосан “Ўзбекистон — Ислом цивилизацияси маркази” ҳамда “Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд” номли ҳужжатли фильмлар суратга олинди. пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида мазкур ҳужжатли фильмларнинг илк намоиши ўтказилди.

ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР томошабинлар эътиборига илк бор ҳавола қилинди



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувда ўзбек кинематографияси олдида турган асосий вазифалар — буюк аждоқларимиз ҳақидаги ҳар томонлама мукаммал фильмлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўзбек кинематографияси учун янги имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этмокда.

“Ҳужжатли ва хроникал фильмлар” студиясида режиссёр Хожимурод Валиев томонидан ишланган “Ўзбекистон — Ислом цивилизацияси маркази” номли 2 қисмли ҳужжатли фильмда ўрта Осиё олимларининг Ислом тарихида тутган ўрни ва уларнинг тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, тасаввуф каби диний ҳиссалар ривожига қўшган ҳиссаси

ҳақида ҳикоя қилинади.

Сценарий муаллифлари Зоҳиджон Исмолов ва Олимжон Давлатов.

“Ўзбекистон — Ислом цивилизацияси маркази” ҳужжатли фильмида бугун дунёвий билимлар билан бир қаторда диний билимларни мустаҳкамлаш, ислом арконларини тўғри тадқиқ қилиш ва тушуниш каби фикр-мулоҳазаларга кенг ўрин берилган. Фильмда юртимиз олимларидан ташқари хорижий мутахассислар берган интервьюлар ҳам жой олган.

— Узоқ муддат динимиз, буюк бобокалонларимиз қолдирган меросдан йироқ тутилганимиз бор гап, — дейди “Ўзбекистон — Ислом цивилизацияси маркази” ҳужжатли фильми сценарий муаллифи, филология фанлари доктори Олимжон Давлатов. — Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимиз объектив тарзда ўрганилмокда, айна ҳақиқатлар

юзага чиқмокда. Аждоқларимиз қолдирган буюк мерос халқимизга қайтди. Айни кунларда эса уларни кўпроқ тарғиб қилиш, асл моҳиятини очиб бериш борасида аниқ мақсад-вазифалар ўртага ташланган. Бундай саъй-ҳаракатлар барча соҳа қатори ислом динини ўрганиш борасида ҳам олиб борилмокда. Биз яратган ҳужжатли фильмда ҳам асосан юртимиз цивилизация ўчоғи бўлгани, кўплаб диний таълимотлар, тариқатлар юртимизда етишиб чиққан буюк уламолар томонидан яратилганини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Султонмурод Олимов сценарийи асосида режиссёр Александр Гамиров суратга олган “Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд” номли 2 қисмли ҳужжатли фильм Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва унинг маънавий меросига бағишланади.

**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда электрон ва босма ўқув материаллари учун энг яхши болалар персонаж(қахрамон)лари яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов икки босқичда бўлиб ўтади: **биринчи босқичда** овоз бериш йўли билан 10 та энг яхши иш танлаб олинади, **иккинчи босқичда** комиссия битта ғолиб ва иккита совриндорни танлаб олади.

Мактабгача таълим вазирлиги шу йилнинг **26 январидан 15 февралига** қадар оригинал қахрамонлар яратиш бўйича танловда иштирок этиш учун аризалар қабул қилади. Яратилган тасвирлардан болалар адабиёти ҳамда мактабгача таълим вазирлигининг мультимедиа махсулотларида фойдаланилади. Танловда иштирокчилар (ёки иштирокчилар жамоаси) ўзбек халқи маданияти, анъаналари ва ўзига хослиги билан рамзий боғлиқ бўлган болалар персонажлари/персонажлар гуруҳи (одамлар, ҳайвонлар, тўқима қахрамонлар, жонсиз предметлар)ни яратишлари лозим.

2019 йил 15 – 20 февраль оралиғида www.tanlov.mdo.uz сайтида бўлиб ўтадиган овоз бериш танловнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайди. Овоз бериш йўли билан якуний (финал) босқичга етиб келган 10 та энг яхши иш танлаб олинади. Овоз йиғиш учун ноҳалол усуллардан фойдаланган иштирокчилар танловдан четлатилади. Ташкилотчилар энг яхши ўнликка кирмаган бештагача ишни финалга ўтказиш ҳуқуқига эга. Якуний босқич очиқ муҳокама шаклида ўтказилади. Комиссия учта энг яхши ишни, республика мактабгача таълим муассасаси болалари эса ўзларига ёққан ишни танлаб оладилар.

Танлов ғолиб ва совриндорлари ҳомийларнинг фахрий диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланади. Биринчи ўрин учун — 10 миллион, иккинчи ўрин учун — 6 миллион, учинчи ўрин учун — 4 миллион сўм миқдорда пул мукофоти берилади.

Танловда ҳам алоҳида шахслар, ҳам ташкилотлар иштирок этиши мумкин. Ҳар бир иштирокчидан ишлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Барча иштирокчилар диққатига! Танловда қатнашиш учун аввал танлов офертаси билан танишиб чиқинг. Таклифлар akarimov@mdo.uz электрон почтасига юборилади. **Юборилган персонажлар бир иш кунни давомида сайтга юкланади. Саволлар билан +998949333332 ва +99871 2553449 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.**

ЭЪЛОН!

1/2019

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман давлат хизматлари маркази 14.11.2018 йили 649833 рақам билан рўйхатдан ўтган “MURAD GR” масъулияти чекланган жамияти ўз феолиятини тугатаётганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (97) 400-83-75

2/2019

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қибрай филиали Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Алишер Навоий кўчасида 24/7 иш режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банк хизматлари шохобчасини (енгил конструкцияли, ойнали) қуриш бўйича қурувчи ташкилотни танлаш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таклиф ва мурожаатлар эълон чоп этилганидан сўнг 7 иш кунни мобайнида ёпиқ конвертда қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7. Телефон: (78) 150-20-87

МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошидаги музейдан кенг ўрин эгаллайди

Муқаддас Ислом динининг ёйилиши тарихи, Ислом таълимоти илм-фан даражасига кўтарган буюк аллома ва мутафаккирлари-мизнинг беназир мероси намуналари, китоб санъати, ҳунармандлик, амалий санъат, маданиятимизга оид нодир буюмлар, ашёлар билан бир қаторда миллий меъморчилигимиз дурдоналари ҳам Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошидаги Ислом маданияти ва санъати тарихи музейидан муносиб ўрин олади.

Шу боис, айни пайтда ушбу масканда музейнинг ҳар бир бўлими экспозициялари концепциясини яратиш бўйича олим ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар нодир, бебаҳо тарихий, маданий меросимиз кенг ва ёрқин ифодасини топиши учун изланишлар олиб бормоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг шаҳарсозлик ва ландшафтлар кафедраси мудири, меъморчилик фанлари доктори, профессор **Муҳаммад АҲМЕДОВ** билан юртимиз миллий меъморчилик соҳаси тарихи, тараққиётида муҳим ўрин тутувчи омишлар, марказ музейининг меъморчилик концепцияси хусусида суҳбатлашдик.

— Юртимиз қадим тарихи, бой анъаналари, авлиёу алломалари, тарихий обидалари, зиёратгоҳлари билан дунёга машҳур. Пойтахтимиз ҳам азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаган Ўзбекистон заминидан бугун ҳам бу анъана давом этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш тўғрисидаги қарори мамлакатимизда муқаддас динимизни, мутафаккир-уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Мутахассис-олим сифатида айтиш-чи, Ислом цивилизацияси маркази қошидаги музейда мавжуд шаҳарсозлик ва меъморчилик намуналари қай даражада ўрин олиши режалаштирилмоқда?

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилишини кўздан кечирганида “Бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиб билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур” деб таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам юртимиздаги тўрт қадимий шаҳар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабздаги тарихий ва маданий мерос объеклари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий мероси рўйхатидан ўрин олганлигининг ўзи қай даражада нодир бойликка эга эканлигимиздан яққол далолат беради. Бизнинг бой меросимиз фақат улар билан чегара-


ланмаслиги яхши маълум. Шунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудидagi миллий меъморчилигимизнинг энг машҳур объектлари бўлажак музей экспозицияларидан жой олишига қаратилган концепцияни ишлаб чиқмоқдамиз. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида “Мазлумхон Сулу” мақбараси ана шундай бетакрор ёдгорлик ҳисобланади. Унинг ноёблиги ушбу иншоотнинг ярми — гумбаздан пастки қавати ернинг остида жойлашганлигидадир.

Яна бир мисол. Сурхондарёдаги “Қирққиз қалъаси” XIV–XV асрларга тааллуқли, паҳса ва хом гиштдан қурилган мазкур маҳобатли иншоот тўртбурчак шаклда бўлиб, унинг 50га яқин хонаси мавжуд. Тўрт қисмдан иборат қалъанинг ҳар бир бўлимида икки қаватли тўғри бурчакли хоналар ва дахлизлар, ўртада эса меҳмонхона бўлган. Мазкур объект асосан кесишган гумбазсимон тоқлар, бошқа кўринишдаги гумбаз ва равоқлардан иборат. Ўзига хос меъморий ечим ва моҳирлик жозибдор ва ҳашамдор мажмуа ҳамон зиёрат қилувчилар билан гавжум.

Навоий вилоятидаги Деггарон масжиди мамлакатимиз ҳудудида Ислом цивилизациясига оид шу турдаги ягона маданий мерос саналди. У тахминан XI асрда қурилган. Деггарон масжиди ҳудуддаги энг қадимий иншоотлардан бири ҳисобланиб, сомонийлигимиз намунаси сифатида Деггарон масжидидан асло қолишмайди.

Маълумки, Қўқондаги Ўрда сарой меъморчилигининг ҳақиқий намунаси бўла олади. Қўқна шаҳар марказидаги тепаликда барпо этилган ушбу улкан сарой XIX аср меъморчилик ёдгорликлари ичидан ташқи кўриниши ва ноёб тарҳи жиҳатидан кўркамлиги, улуғворлиги билан ажралиб туради. Хоналари ички манзараси бетакрор бир бадий асардек туюлади. Ўрданинг безак ишларида халқ меъморчилик санъатининг бадий кулчилик, наққошлик, ёғоч, ганч ўймакорлиги ва бошқа кўп туридан фойдаланилган. Моҳирлик билан терилган турли ранг ва шаклдаги қошинлар уйғунлиги ҳамда нафислиги Фарғонада кулчилик амалий санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради.

Миллий меъморчилигимиз даражасини қадимги даврлардаёқ юксак санъат намунаси ўлароқ бунёд этилган бинолар, масжидлар, иншоотларнинг



тарҳлари, муҳандислик ечимларининг ноёблигидан ҳам билса бўлади. Бинокорликда асосан соз тупроқ, хом ва пишққ гишт, ганч, ёғоч, қамиш, тош каби маҳаллий ашёлардан кенг фойдаланилган. Ўша даврлардаёқ қошинларни сирлаш учун кимёвий таркиби 17 ишқорлар гуруҳидан ташкил топган бўёқлар ўйлаб топилган. Безак ишларида халқ меъморчилик санъатининг бадий кулчилик, наққошлик, ёғоч, ганч ўймакорлиги ва бошқа кўп туридан фойдаланилган.

Синкорлик уй-жой қурилишининг асосини ташкил этган. Хатто ўша даврда кўча ва йиғма бинолар асосидаги меъморий конструкциялар кенг қўлланила бошлаган. Амир Темури салтанатига Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихо хайрат билан: “Масжид шундай қурилган эдики, зарур ҳолларда уни бўлақларга ажратиб, тахлаб кўчириш ҳам мумкин бўлган” деб гувоҳлик берган.

— Машҳур немис файласуфи Фридрих Шеллингнинг таърифи билан айтганда, “қотиб қолган мусиқа”дек тасаввур этиладиган меъморчилигимиз дурдоналарининг яратилиши юртимизда қадимдан илм-фан юксак даражада ривожланганидан далолат беради, десак муболаға бўлмайди...

— Бу шубҳасиз, муносиб таъриф ва ўқшатиш. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги карвонсарой, сардоба ва коризларни олиб қарайлик. Улар экстремал шароитларда ҳаёт манбаининг яратилиши намунаси ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги Нурота туманидаги Бекларсой дарасида сақланиб қолган, Шайбонийхон сулоласидан бўлган Абдуллахон II томонидан 1580 йилда қурилган “Абдуллахон банди” дея номланган сув омборида тахминан

1 миллион 200 минг кубметр оби-ҳаёт тўпланган. У сувнинг оқиб чиқиши учун зарур бўлган мажмуа билан ҳам таъминланган. Ана шу иншоотнинг барпо этилиши ўша даврлардаёқ юртимиз миорблари геология ва гидрогеология илмидан яхши хабардор эканлигидан далолат беради.

“Абдуллахон банди” каби сув омборлари, сардобалар бўлмаганида асосан чўл ва сарролардан ўтадиган Буюк ипак йўли амал қилмаслиги ҳам шубҳасиз эди. Шу билан бирга Қашқадарё дарёси устидаги, Ўрта асрлардан сақланиб қолган “Амир Темури кўприги” деб номланган кўприк ҳам Буюк ипак йўлидаги ягона кўприқдир.

Биз ҳақли равишда ўз даврининг машҳур олимлари — фалакшунос, математик, меъморлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қўшчининг бевосита иштирокида барпо этилган фанимиз ва маданиятимизнинг нодир ёдгорлиги — Улғбек расадхонаси билан фахрланамиз. Поляк олими Ян Гавелийнинг 1690 йилда нашр этилган “Астрономия даракчиси” асарида Мирзо Улғбекнинг машҳур олимлар Птолемеи, Тихо Браге, Жавани Риччиоли, Вилгелм IV ва Ян Гавелий даврасида, астрономия маъбудаси Ураниянинг ўнг томонида биринчи бўлиб тасвирлангани ҳам бежиз эмас.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги энг салобатли ва мухташам мақбаралардан бири — Шайх Зайниддин бобо хонақоҳи чиллахонаси XII–XIII асрлардаги астрономик объект — қуёш соати сифатида таърифланади. Фалакиёт олимларининг фикрича, чиллахонанинг гумбазида лаган шаклидаги бир неча туйнуқлар ўз вақтида расадхона хизмати ўтаган бўлиши мумкин.

Миллий меъморчилигимиз тараққий этишида шуҳрати бутун дунёни эгалла-

ган даҳо олимларимизнинг хизматларини алоҳида таъкидлашимиз керак. Хусусан, Ал-Хоразмий ишлаб чиққан квадрат асосида иморатларнинг тарҳи тузилган, миллий меъморчилигимизда чорсу (чорраҳадаги бозор), чорустун (тўрт устун), чордара (тўрт ашик), чортоқ (тўрт равоқ) жуда кенг қўлланилган. Бу эса маҳаллий аҳоли тасаввуридаги “чор унсур” фалсафаси (яъни, оламнинг тўрт унсур — тупроқ, сув, нур, ҳаводан иборатлиги) билан узвий боғлиқлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Аждодларимиз ҳар бир бино ёки аҳоли мавзесини қуришда тўрт унсурни — уфқнинг тўрт томонини, айниқса, қуёшнинг чиқиши ва ботишини, демек нур (ҳаво ҳарорати), ҳаво ҳаракати (шамол), намлик, тупроқнинг тузилиши, ҳолати билан боғлиқ бўлган ер рельефини албатта эътиборга олишган. Натижада “чор унсур” меъморчилик ва шаҳарсозликда қонун кучига кирган.

Ўтмишдаги устоздаларимизнинг меъморчилик соҳасидаги билими ва маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келганлигини ҳам таъкидлаш керак. Бунга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биноси қурилиши билан боғлиқ воқеани мисол тариқасида келтирса бўлади. Ушбу театр биноси лойиҳасининг машҳур муаллифи Алексей Шучев бино равоқини безаш масаласида маслаҳат сўраб уста Ширин Муродовга мурожаат қилади. Уста Ширин унинг ҳузурда бир неча дақиқа ичидан равоқ безагини чизиб беради. Алексей Викторович нақш нафислигидан завқланиб, унга миннатдорлик билдиради ва бу чизмадаги равоқнинг бандлиги ўлчами қандайлигини сўрайди.

— 26 сантиметр, — жавоб беради уста Ширин.

— Қандай аниқладингиз, ахир қў-

лингизда бирор ўлчов асбоби йўқ-ку?

— Оддий — равоқнинг биринчи қаторидаги нақшларнинг бандлиги 6, иккинчи қатордагиси 8, учинчиси эса 12 сантиметр, — дейди Уста Ширин.

— Тасанно, — дейди Алексей Шучев хайратини яшира олмай...

Улғ аждодимиз Ал-Фарғоний эса меъморчилигимиз учун “тик тоқ”ни кашф этган. Биргина Ислом оламида эмас, шунингдек, Европада ҳам бунёд этилган бинолар, иншоотлардаги тик тоқли гумбазлар, равоқлар буюк мутафаккиримизнинг ана шу ғоясига асосланган.

Мирзо Улғбек даврининг машҳур муҳандиси Ғиёсиддин Жамшид Коший меъмор ва усталар учун биноларни барпо этишда қўлланиладиган тарҳлар, турли ўлчовлар, ҳисоб-китоблар ҳақида махсус рисола битган.

— Меъморлик соҳасида аждодларимиз қолдирган мерос Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошидаги музейнинг меъморчилик бўлими концепциясида қандай ифодаланади?

— Биз буни алоҳида экспозициялар — “чор унсур” фалсафаси, ҳовлилар, шаҳарсозлик асосидаги композициялар ҳамда ансамбллар орқали акс эттиришни тақлиф қиляпмиз. Квадрат асосидаги композицияларга юқорида тилга олинган энг қадимий Деггарон ҳамда Хивадаги Оқ масжидлар, сомонийлар мақбараси, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоссадаги қўшқ ва бошқа маданий мерос объекллари мисол бўла олади.

Юртимизда миллий меъморчилигимизнинг ҳовли композицияси асосидаги нодир намуналари ҳам кўп. Улар қаторига Бухородаги Калон, Самарқандаги Бибиҳоним масжиди, Намангандаги Сулло Қирғиз ва Хивадаги Қутлугмурод иноқ мадрасаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шаҳарсозликда эса арқ, шаҳристон, раббат ва чорсулар нисбатан кенг тараққий этган. Арқлар Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда барпо этилган бўлса, Хивадаги Ичан қалъа каби шаҳристонлар, қадимий Тошкентдаги 12 дарвозали раббатлар ва бошқа кўплаб шаҳарларимиздаги чорсулар ҳам машҳур бўлган.

Миллий меъморчилигимизда қўлланилган Бухородаги Чор Бақр ва Лаби Ховуз, Қаршидаги Регистон, Шаҳрисабздаги Дор ут-тиловат ансамбли ҳам ўзининг ноёб ечимлари билан алоҳида ажралиб туради.

Халқимиз ўзининг жуда бой ва хилма-хил миллий меъморчилик дурдоналари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Улар барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошидаги Ислом маданияти ва санъати тарихи музейидан муносиб ўрин эгаллаши учун илмий изланишлар изчил давом эттирилмоқда.

Сўбатдош:
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

“ИЛҲОМ” — ИЖОДКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди томонидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2019 йилдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда “Илҳом” жамоат фонди вакиллари, Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари, Бадий ижодкорлар уюшмалари ходимлари, ижодкор зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Сабдулла Ҳакимов ва бошқалар давлатимиз томонидан ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод қилишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилаётгани, ижодий уюшмаларнинг фаолияти тубдан ислоҳ қилинаётгани, уюшмаларни моддий-техник таъминлаш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш, соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўтган йили журналистика соҳасидаги “Олтин қалам” XIII мукофоти учун халқаро танлов, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган “Йилнинг энг фаол журналисти”, мамлакатимиз мустақиллиги кўни арафасида ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” республика танловлари, мусиқа санъати соҳасидаги V халқаро

симфоник фестивали, санъат соҳасидаги “Йилнинг энг яхши хайкалтароши”, “Йилнинг энг яхши расмони, энг ёш расмони, энг яхши рангтасвир ижодкори” каби танловлар ва турли ижодий ҳамда хотира кечаларини ўтказишга Фонд томонидан жами 1,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

— “Илҳом” жамоат фондининг ташкил этилиши, аввало, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ижод қилишига етарлича шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон Бадий ижодкорлари ижодий уюшмаси раиси Акмал Нуриддинов. — Айниқса, чекка-чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган ижодкорларни кашф этиш, уларга яқиндан ёрдам бериш, шахсий кўргазмаларини ташкил этишда кўмаклашиш устувор вазифаларимиздан бирига айланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлар, V халқаро симфоник фестивал якунлари ҳамда истиқболдаги режалар хусусида маълумот берилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари вакиллари “Илҳом” жамоат фонди билан 2018 йилда амалга оширилган лойиҳалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги журналист аёллар кенашини ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда “Хотин-қизлар мурожаати: таҳлил ва муаммолар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ ҚАНДАЙ ЁРИТИЛМОҚДА?

Тадбирда Хотин-қизлар кўмитасида мурожаатлар билан ишлаш, уларнинг кўриб чиқилиши, кўтарилган масалалар қандай тартибда ҳал этилаётганлиги, кўмита тегишли ташкилотлар билан бирга хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, моддий ёрдам кўрсатиш, эрта никоҳ, ажралиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган аёлларнинг ижтимоий реабилитацияси ташкил этилишида кўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, илғор ғоя, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, йиллар давомида йиғилган

муаммоларни бартараф этиш мақсадида тизимли чоралар кўрилмоқда, — дейди Хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Оилавий ажримлар, чигал ва долзарб бўлган мурожаатлар сайёр тарзда жойига чиқиб ўрганилмоқда. Сайёр қабулларда фуқаролар, айниқса, аёллар турли масалалар билан мурожаат этган бўлиб, аксарияти ўша жойнинг ўзида ҳал этилди.

Хотин-қизлар кўмитаси маълумотига кўра, 2018 йилда ташкил этилган ишонч телефонига шу кунга қадар 12 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Бундан ташқари, жойларда 160га яқин Ижтимоий мослашув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Кўмита ва ҳудудлардаги марказларга бўлаётган мурожаатлар вақтида ўрганилиб, аёлларга зарур ёрдам кўрсатилляпти.

Шунингдек, матбуот анжуманида аксарият ҳолларда хотин-қизларимиз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари туфайли муаммоларга дуч келаётганликлари айтиб ўтилди. Хотин-қизлар ўрта-

кераклиги қайд этилди.

Бугунги кунда, республикада оила, хотин-қизлар ҳаётига оид 60га яқин журнал ва газеталар чоп этиляпти. “Саодат”, “Оила ва жамият”, “Оила даврасида”, “Бекажон”, “Сўғдиёна”, “Тадбиркор аёл”, “Ўзбекиойм” каби нашрларда аёлларнинг муаммолари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

Бироқ уларнинг барчасида ҳам хотин-қизларнинг муаммолари, кўнгилдагидек ёритилаяптими? Аёллар журналистикасини янада такомиллаштириш учун нималар қилиш лозим?

Анжуманда ушбу саволларга атрофлича жавоб изланди, аёллар журналистикасини янада такомиллаштириш, журналистга муаммоларни ёритишда жамоатчиликнинг эътиборини жалб этадиган ўзига хос ёндашув ҳамда чуқур билим зарурлигига эътибор қаратилди, бу йўналишда керакли тавсиялар берилди.


Нигора НИШОНБОВА,
“Milliy tikanish” мухбири

Музейда бир кун...

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ САНЪАТ ОЛАМИГА САЁХАТ

ёхуд Ўзбекистон давлат санъат музейи 100 ёшда

Ҳар бир халқнинг қадимдан шаклланиб келган анъанавий санъат турлари мавжуд. Ушбу соҳалар санъат даражасига кўтарилганга қадар минглаб йилни яшаб ўтган. Агар уларнинг босиб ўтган йўли, тарихан шаклланиш босқичи, пайдо бўлишининг сабабларини билишни истасак, албатта, бунда музей ва ундаги экспонатлар беминнат кўмакчи бўлади. Бунинг амалдаги исботини кўриш иштиёқи бизни Ўзбекистон давлат санъат музейига етаклади.



Ўзбекистон давлат санъат музейининг ҳозирги биноси 1974 йилда қурилган. 1997 йилда бино қайта таъмирланди ва қисман реконструкция қилинди. Таъмирлаш ишлари билан бир қаторда коллекцияларни сақлаш хоналари ва экспозиция учун зарур бўлган махсус жиҳозлар сотиб олинди ҳамда ноёб тўпламларни сақлаш шароитларини яхшилаш, уларни асраш учун барча имконият яратилди. Бугунги кунда музейдан турли даврларда яратилган энг қимматбаҳо экспонатлар — санъат асарлари ўрин олган. Музей экспонатининг ярмидан кўпини анъанавий декоратив-амалий санъати коллекцияси ташкил этади. Улар асосан ёғочга расм солиш ва ўйиб нақшлаш, ганч, бадий кулолчилик, мисни зарб қилиш, заргарлик санъати, гиламлар, газламалар, каштачилик ва ҳатотлик санъати намуналаридан иборат. Бундан юз йил муқаддам атиги 500га яқин шахсий тўплам билан иш бошлаган максадининг нодир ашёлари сони бугунги кунга келиб 100 мингдан ошди.

Айни кунларда музейнинг 100 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўрилмакда. Жумладан, шу йилнинг 8 февраль куни катта тадбир ўтказиш режалаштирилган.

— Музейимиз санъат музейлари орасида Ўрта Осиёда ягона санъат музейи, — дейди Ўзбекистон давлат санъат музейи директори, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Васил Фахриддин. — Коллекцияларимиз ноёблиги ва хилма-хиллиги билан дунёга машҳур санъат музейлари билан беллаша олади. Биздан уларни муносиб равишда, замонавий усулларда намойиш ва тарғиб қилиш талаб этилади. Музейимиз биносини реконструкция қилиш режалари тасдиқланган. Моддий-техник базаси қайтадан кўриб чиқилади. Халқаро тажриба ўрганилиб, бизда ҳам экспозиция ташкил қилишнинг дунё тан олган усуллари жорий этилади.

Санъат музейи тўрт қаватдан иборат. Унинг биринчи қаватида вақтинчалик кўргазмалар ҳамда санъат ва маданиятга оид турли тадбир ташкил этиладиган зал жойлашган. Айни пайтда ушбу залда ўтказилаётган "Ипаклари тилодан — безаклари сержило" номли кўргазмада музей фондидан танлаб олинган энг сара зардўзлик чопонлари, заргарлик ва кашта намуналари намойиш этилмоқда. Кўргазмадан 30дан ортиқ зардўзлик йўналишида яратилган чопонлар, белбоғ, этик ва ковушлар, ўнлаб ҳали ҳеч қаерда намойиш этилмаган заргарлик буюмлари, турли хил аёллар тақинчоқлари ўрин олган. Ушбу кўргазма шу йилнинг 25 январидан очилган бўлиб, бир ой давом этади.

Музейнинг доимий экспозицияси юқоридаги учта қаватда ўрин олган. У Ўзбекистон халқ амалий санъати, Ўзбекистон ранг-тасвир санъати, Россия ва Ғарбий Европа санъати ҳамда хорижий Шарқ мамлакатлари санъати бўлимидан иборат.

Ўзбекистон халқ амалий санъатига бағишланган экспозициянинг дастлабки залида қадимий Холчаён шаҳарчасидаги антик даврга оид ҳайкаллари кўриш мумкин. Улар асосан саройларни безатиш вази-

сини бажарган. Холчаён шаҳарчасидан ҳатто Геракл ва Афина каби юнонларнинг маъбуд ва маъбудалари ҳайкалининг бош қисми ҳам топилган.

Буюк ипак йўли орқали юртимиз худудига турли мамлакатдан келган савдогарлар ўзи билан ўша юртининг маданиятини ҳам олиб келгани барчага маълум. Ўрта Осиё маданиятлар тўқнашган нуқта — цивилизация марказига айланган. Жумладан, буддизм дини ҳам Буюк ипак йўли орқали кириб келган. Бундан қува шаҳарчасидан топилган VI–VII асрга тегишли буддизм динига оид санамлар ҳайкали ҳам исботлайди.

Кейинги эл керамик буюмларга бағишланган бўлиб, у ердан Тошкент ва Самарқанд халқ амалий санъати мактабига тегишли сопол идишлар ўрин олган. Қадимда мазкур буюмларни безашда, асосан, ислимий, ўсимликсимон грих нақшлар, геометрик шакллар ҳамда каллиграфия санъатидан фойдаланилган. Нақш ва геометрик шакллари бир қарашда англаш қийин эмас. Бироқ каллиграфия санъатини тушуниш учун алоҳида билим талаб этилади. Чунки у араб тилида ва ёзувнинг турли усуллари орқали битилган ибратли сўзлар, Қуръон оятлари, ҳадислардан иборат.

Музейга қўйилган сирланган сопол намуналари ўзида Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм кулолчилик мактаби анъаналарини мужассам этади. Риштон, Ургут, Ғиждувон, Самарқанд, Шахрисабз, Хива, Каттакўрғон, Денов каби бир қанча шаҳарлар сирланган сопол ишлаб чиқариш марказлари саналган. Бу ерларда ишлаб чиқарилган сопол кўк-оқ-яшил, яшил ва яшил-жигарранг-сарик каби гуруҳлар (ранглар)га бўлинган. Улар нафақат бўёғи, балки безак бериш услуби билан ҳам фарқ қилади.

Кейинги экспонатлар хунарамандчиликнинг ганчкорлик турига бағишланган бўлиб, унда меҳроб, ойна, эшик ва устунларни безатишда ишлатилган ганчкорлик намуналарини кўриш мумкин. Санъатнинг бу тури ҳам худудларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, Бухоро ганчкорлик мактабида нақш чизиклари ингичка, гуллари майда ва ёғочи саёз ўйилади. Тошкент ганчкорлик мактабида эса мутлақо аксинча ҳолат кузатилади: гуллари йирик, ёғочи чуқур ўйилган, нақша алоҳида фон берилган. Шунингдек, тўқ қизил ва кўк рангдан кенг фойдаланилган.

Музей экспозициясида Бухоро, Тошкент ва Самарқанднинг таниқли ўймакорлари — уста Ширин Муродов, Топшўлат Арслонқулов, ака-ука Қули ва Рашид Жалилов, Шамсуддин Ғафуровнинг ганчли паннолари алоҳида ўрин эгаллайди.

Халқимиз қадимда хонадон ойналарини безатиш учун махсус панжара — тобадонлардан фойдаланган. Тобадонлар маҳоратли хунарамандлар томонидан ясалган. Уларни ясада асосан терак дарахтидан хомашё-ёғоч сифатида фойдаланилган. Эътиборли жиҳати шундаки, хунарамандлар тобадон ясар экан, бунинг учун улар мик ёки ёпиштирувчи елимдан фойдаланмаган. Аксинча, кичик бўлак-

ларга бўлинган ёғочга шундай ишлов берилганки, улар бир-бирига ҳеч қандай воситасиз бириктирилган. Бундай муштақкам тобадонлар хонадон учун узоқ йиллар хизмат қилган.

Қадимда уйга ёғоч эшик ўрнатиш урф бўлган. Эшикнинг нақш ва гуллари қанчалигига қараб хонадон нуфузи аниқланган. Шу ўринда, ёғоч эшиклар билан боғлиқ бир маълумотни айтиб ўтиш жоиз. Улкан ёғоч эшикларда ҳар доим ҳалқалар бўлади. Ушбу ҳалқалар "донақоси" деб аталади. Улар нафақат безак, балки дарвоза кўнги-роғи вазифасини ҳам бажарган. Яъни, уйга келган меҳмон ҳалқани ёғоч эшикка уриш орқали хонадон соҳибини қақирган. Қадимда донақоси уч даражали бўлган: улар дарвоза пасти, ўртаси ва ўртасидан бироз юқорида ўрнатилган. Пастдагиси, албатта, ёш болалар учун. Чунки уларнинг бўйи юқоридаги ҳалқаларга етмайди. Ўртадагиси аёллар, унинг тепасидегиси эса эркаклар учун. Ушбу учта донақоси турли металдан ясалган ва уни ёғоч эшикка урилганда турлича овоз чиққан. Хонадон эгалари халқа чиқарган овозга қараб ким келганини аниқлаган. Аёл меҳмонни уй бекаси, эркак меҳмонни хонадон соҳибни кутиб олган. Агар уйда хонадон соҳиб бўлмаса, эркак меҳмонни уй бекаси паранжи кийган ҳолда қарши олган.

Ёғоч ўймакорлиги санъатида матога нақш тушириш учун мўлжалланган қолиплар ясаш ҳам алоҳида йўналиш саналади. Бу қолиплар нок дарахтидан олинган ёғочга чуқур ўйиб ишланган. Улар воситасида дастурхон, чойшаб каби рўзгор учун ишлатиладиган матоларга безак берилган. Бунинг учун қолип аввалдан тайёрланган турли хил рангга ботирилган, кейин у текис юзага бир хил ёйилган матога босилган.

Аваллари босмалар бўёғи ранг-баранг бўлган. Лекин халқ амалий санъати анъаналари асосан тўқ қизил рангдан иборат бўлган. Бухоро ва Хива усталари ёғоч ўймакорлик соҳасида қолип ясаида шухрат қозонилган. Бухоро, унинг атрофидаги қишлоқлар, Хива ва Тошкент шаҳри босмалар ишлаб чиқаришнинг асосий маркази ҳисобланган. XIX асрнинг биринчи ярмида газламаларга гул босиш кенг тарқалди. Экспозицияда ёғочдан ясалган ўйма қолипларнинг турли хиллари билан биргаликда Бухоро ва Тошкент босмаларининг нусхаларини ҳам кўриш мумкин.

Музей коллекциясидаги каштачилик санъатининг энг аввал маълум бўлган намуналари XIX асрнинг ўрталарида яратилган. XIX аср каштачиларининг санъати кўп асрлик анъаналарга асосланган. Бунга юксак бадий каштачилик намуналари аққол далил бўла олади. Бухоро, Нурота, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Сурхондарё ва Фарғона водийсининг туманлари азалдан каштачилик санъатининг маркази ҳисобланган. Музей бугунги кунда қўлда тикилган анъанавий кашталарнинг икки мингдан ортиқ намуна коллекциясига эга.

Қадимда ўзбек қизлари мустақил кашта тикишни 8 ёшда ўрганган. Агар оила қуриш арафасидаги қизнинг ўзи тиккан сўзанаси бўлмаса, бу уятли ҳисобланган. Йирик ўлчамдаги сўзаналари бир нечта қиз жамоавий тарзда ҳам тикишган. Кашталардаги ҳар бир нақш ўзига хос маънони ифодалайди. Масалан, сўзананинг тўрт бурчагидаги тумор тасвирига ёмон кўзалар асрайди, сўзана атрофидаги қалампир тасвирига эса ёвузликдан асровчи унсур сифатида қаралган.

Тақводор ўзбек эркаклари мусулмон одатига кўра бошига салла кийган. Салла ечиб қўйилганда гард юқмаслиги учун махсус мато билан ўраб қўйилган ва у "дастарпеч" деб аталган. Бундай дастарпечлар учун ҳам аёлларимиз кашталар тикишган.

— Ўзбекистон тасвирий санъат асарларининг коллекцияси музейнинг энг катта музей илмий ҳодими Азиза Ибрагимова. — Ранг-тасвир санъати бўлими ўтган асрнинг 30-йилларида рассомлар асарлари кўргазмаларидан сотиб олинган рассомлар ҳисобига шаклланиб. Бу асарларнинг аксарияти Ўзбекистон миллий санъатининг олтин фондида киритилган.

Ранг-тасвирга бағишланган дастлаб-

ки залда ўзбек рассомларининг устози, таниқли рассом Павел Беньковнинг асарлари жой олган. Унинг асарлари нур билан соя ўйинини, ёрқин ҳаво муҳитини ифодалаш бобида шу кунгача бекиёс бўлиб келмоқда. Бунга унинг "Ховуз лабидаги сув ташувчилар", "Дуторчи қиз" каби асарларини томоша қилган киши аққол гувоҳ бўлади.

Павел Беньковнинг асарлари ёнида унинг шогирди Надежда Кашина ишлаган "Тушлик" картинаси ҳам ўрин олган. Ушбу асарда ҳам қуёш нури элементи устунлик қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театридаги фрескалар, Тошкент метрополитенидаги эскизлар Чингиз Аҳмаров мўйқаламига мансуб. Беньков картиналари жойлашган залдан кейингисига айнан Чингиз Аҳмаров чизган суратлар ўрин олган. Унинг асарларида ҳам ўзига хос оригинал элементлар кўзга ташланади. Шарқ миниатюра санъати анъаналари, Алишер Навоий асарларига мурожаат ва нафис ранглар шулар жумласидандир. Ўзбекистон ранг-тасвир санъати бўлимида биринчи ўзбек аёл рассоми Шамсирўй Ҳасанова ҳамда Раҳим Аҳмедов, Ўрол Тансиқбоев, Жавлон Умарбеков каби таниқли рассомларнинг ишлари ҳам ўрин олган.

Навбатдаги экспозициядан Россия ҳамда Ғарбий Европа рассомлик санъатининг энг нодир намуналари жой эгаллаган. Улар орасида Пабло Пикассонинг липопага чизган суратларини ҳам кўриш мумкин.

Музейда томошабинлар учун барча шароит яратилган бўлиб, бу уларнинг ушбу масканда сақланаётган ашёлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

— Европа маданиятига оид экспонатлар орасида мени, айниқса, бутун дунёга машҳур италиялик ҳайкалтарошларнинг мрамардан ишлаган асарлари ўзига хос жозибаси билан мафтун этади, — дейди Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси Санжар Баҳромов. — Ҳайкалтарошлар мрамар қаттиқ бўлишига қарамай уни худди оддий лой каби ишлата олган ва яратган асарларда кичик деталларга эътибор қаратиб, уларни санъат даражасига олиб чиққан.

Хорижий Шарқ санъатига бағишланган экспозициянинг биринчи залида Хитой халқининг ўзига хос анъаналарини акс эттирган буюмлар — чинни идишлар, ўраладиган суратлар, ёғочдан ишланган анжомлар бор. Чинни идишларга сариқ ва қизил рангларда безак берилган. Бу ранглар Хитойда император оиласига хос ранг саналган ва бундай идишлардан фақат давлат раҳбари, унинг яқинлари фойдаланган. Бу залдан жой олган стол ва кроват музейга келганларнинг эътиборини тортмай қолмайди. Уни княз Романов хитойлик ота ва ўғил хунарамандларга махсус яраттирган. Хунарамандлар хитойлик бўлгани сабаб кроват ва столга берилган безакларда Чин юртининг санъат анъаналари устунлик қилади. Улар жиҳозни безашда аждр ва турли мифологик образларнинг бўртма ёғоч ҳайкалларида фойдаланган. Шунингдек, жиҳозларга фил суяги ҳам қадалган.

Шунингдек, ушбу экспозициядан корейс халқининг замонавий санъати намуналари ҳам ўрин олган. Улар орасида келин ва қуёв либоси — ханбок, селадондан ишланган керамик буюмлар, турли байрамларда саҳналаштирилладиган спектаклларда тақилладиган ниқобларни кўриш мумкин.

Музей олий ва ўрта махсус билим юрталарининг илмий базаси ҳисобланади. Унинг бўлимларида рассомлар, санъатшунослар, музейшунослар ва реставраторлар амалиёт ўтайдилар. Музейга йилга 200 мингдан зиёд санъат ихлосмандлари келади. Ҳозирги вақтда музей жаҳондаги энг яхши музейлар рўйхатига киритилган. У Ўзбекистон Республикасининг маданияти ва санъатини тарғиб этиш, мамлакатимиз ва жаҳон маданияти дурдоналари билан кенг жамоатчилик ҳамда сайёҳларни таништиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Гипертония, яъни хафақон касаллигини мутахассислар "тилсиз қотил" ҳам деб аташади. Агар унга даво чоралари вақтида кўрилмаса, аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Афсуски, хафақонга чалинган беморларнинг ҳаммаси ҳам мазкур дард ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Аксарият ҳолларда "қон босими ошиб кетибди," деб қўя қолишади.

ГИПЕРТОНИЯГА ТАСЛИМ БЎЛМАНГ!



Қон босими — томирларда оқаётган қоннинг шу томирлар деворига кўрсатадиган таъсири. Томирларда қон босими турлича бўлиб, юракдан узоқлашган сари пасайиб бора-

ди, ўртадан анча юқори, капиллярларда эса бирмунча паст бўлади. Қон босими икки даражадан иборат: устки, яъни систолик ва пастки — диастолик. Гипертония касаллиги эса ана шу икки даражанинг кўтарилишидан келиб чиқадиган хасталик ҳисобланади.

Замонавий тиббиёт артериал қон босимининг 140/90 мм симоб устунидан юқори бўлиши хафақон касаллигининг белгиси эканлигини исботлаган. Бу хасталик аста-секин ривожланади. Кейинчалик беморнинг қон босими 180/100 ммдан, 200/120 мм симоб устунига кўтарилиши, баъзида эса бу кўрсаткич янада ошиши мумкин.

Касаллик клиник кечishiга кўра, мия, юрак, буйракка алоқадор бўлиши мумкин ва ривожлангани сайин айнан шу аъзолар фаолиятини издан чиқаради. У қўлчанга ҳар бир беморда ўзига хос кечади. Бош оғриши, бош айланиши, кўнгил айнаши, доимий уйқусизлик беморни безовта қилади. Бош мия томирлари қисқариши натижасида қон айланиши издан чиқади. Бемор кўкрак соҳасидаги оғриқдан шикоят қилади. Кўпинча хасталикда юрак санчиши кунига бир-икки марта кузатилади. Бундай безовталики кейинчалик стенокардия, юрак миокард инфаркти каби касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу касаллик жиддий даволаниш, мунтазам эътиборни талаб этади.

Одатда, артериал қон босими оқватлангандан сўнг 1-2 соат ўтгач ўлчанади. Қон босими ўлчанаётган вақтда бемор устидан сиқиб турадиган кийимлар бўлмаслиги, қўл бўшатилган бўлиши, хона тинч бўлиши лозим. Артериал қон босими бир марта ўлчанмайди. Икки марта 3 дақиқалик интервал билан, аввал ўнг, сўнг чап қўлда ўлчанади. Ушбу ҳолатда беморнинг руҳий ёки жисмоний зўриқмаганлигига эътибор қаратиш керак.

Халқ таъбаотида лимон меваси ҳамда баргидан тайёрланган дамлама қон босими кўтарилганда уни пазайтирувчи омил сифатида ичилади. Дамлама тайёрлаш учун бир дон лимонни кесиб, парраклаб, майдаланган баргидан ҳам бир ош қошиқ чойнакка солинади. Устига икки стакан қайноқ сув қўйгач, 10-15 дақиқа яхшилаб ўраб дамлаб қўйилади. Кунига 3-4 маҳал ярим стакандан ичилади. Кўк чой дамламаси ҳам қон босимини туширишда энг ишончли воситадир.

Унутманг, хафақон касаллиги кўпроқ ёш фаслида безовта қилади, деган қараш мутлақо нотўғри. Йилнинг қайси фасли ва мавсуми бўлишидан қатъий назар, саломатлигингизга бефарқ бўлманг. Ёдда тутинг: кўтаринки кайфият ва фойдали иш билан шугулланиш ҳар қандай касалликка қарши муҳим омил саналиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат!

Нигора НИШОНБОВЕВА тайёрлади.


РЕКЛАМА

QISHLOQQURILISHBANK



«QCB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

☎ (+99878) 150-93-39



www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



VATAN TUG'U BI HAR NARBADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия хабари бўлими: 234-01-47,

Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳақми 4 босма табоқ оғоват усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Қорхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 226, Адади — 3656. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ

Навбатчи: Нигора НИШОНБОВЕВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 00.20.



12 456